

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



## ФАОЛЛИК

Тошкент шаҳар 11-Собир Раҳимов сайлов округининг 265-сайлов участкасидан репортаж.

29-ўрта мактаб биносига жойлашган сайлов участкасида кизгин мунозара устидан чиқдим, - деб ҳикоя қилди муҳбиримиз М. Мирсодиқов. - 265-сайлов участкасига таҳриба ўрганиш ва участка комиссияси аъзолари иши билан танишиш учун 266-сайлов участкасидан Гуручариқ маҳалласи оксоқли Абдужалилхожи Исмоилов, участка комиссияси аъзоси Хусан Миразизов ташриф буюрган эканлар. Мезбонлар - Нафиса Аҳматжоновна, Галя Бобомухаммедова, Шоира Содикова уларни илқ кутиб олишди.

- "Тўйга борсанг тайёрланиб бор" дейишади, тўғрими, Ҳожи ака, - гап бошлади меҳмон Х. Миразизов шеригига юзланиб. Кейин мезбонларга қарата деди: - бугун биз - сизнинг, сиз - бизнинг ишларимиз билан ўртоқлашсак...  
- Бош устига! - Нафиса Аҳматжоновна меҳмонларни ичкарига чорлади. - Мана, кўриб турибсиз, барча

шароит тахт: овоз бериш бўлмалари, сайлов варақаси учун қутиллар, рўйхатдан ўтишга зал, ҳужжатлар, қонунлар, газета-журналларнинг таҳлавлари, тегишли адабиётлар, плакатлар, номзодларнинг таржimai ҳоллари... Ана у томонда сайлов куни сайловчиларга хизмат кўрсатиш савдо расталари ўрни... Хуллас, шай турибмиз.

- Сайловчилар келиб турибдими? - сўради меҳмонлардан бири.

- Келганда қандоқ! Илгариги сайловолди жараёнларига нисбатан ўн қарра - юз қарра кўп келишяпти. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу галги сайлов олди-дан улар депутатнинг вазифаси, бурчи, сайловчининг ҳуқуқи, сайлов тизими, номзодлар билан учрашув жараёнлари хусусидаги масалаларга кўпроқ қизиқишяпти. Кекса-ю ёш - ҳамма фаол...

- Олий Мажлисининг ва сайланган депутатларнинг вазифаларини нима

деб тушунтирдингизлар?

- Ўринли савол. Чунки, айрим сайловчиларимиз ҳали-ҳануз депутатга сайловчиларга ижтимоий, маиший, моддий муаммоларни ҳал қилиб берадиган шахс деб қараётганлари сезиляпти. Биз эса уларга: Олий Мажлис - Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи энг Олий орган эканлигини, депутат - халқ манфаатларини кўзловчи, одил қонунлар ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш ҳамда ана шу қонунлар ижроси устидан назорат ўрнатишда фаол иштирокчи эканлигини тушунтириб бермоқдамиз.

- Округда бўлган кечаги учрашувдан сўнг номзодлардан бирортаси участкаларингизга келиб кетдими?

- Бугун эрталаб олдинма-кетин икки нафари - Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар - Ўткир Умаров, Маҳмуджон Сатторов келиб кетишди. Бир гуруҳ сайловчиларимиз ик-

кови билан ҳам роса гурунглашди...

- Уларнинг суҳбати давом этаверди, мен эса уларни суратга туширдим-у қайтавердим, - ҳикоясини тугатди ҳамкасбимиз.

Ха, биз янги асрга, учинчи минг йилликка юксак ишонч ва умид билан одимляяпмиз. Бу ишонч ва умиднинг асоси - мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маърифий жабҳаларда эришилаётган ютуқлардир. Яна 26 қундан сўнг бўлиб ўтадиган Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлов жараёнларини ҳам эришилган, эришилаётган ва эришилажак муваффақиятларимизга сиёсий замин деб қиёслашга тўла ҳақлимиз.

Раъно ЗАРИПОВА

Суратда: чапдан - Н. Аҳматжоновна, Г. Бобомухаммедова, А. Исмоилов, Х. Миразизов, Ш. Содикова.

## ЎЗБЕКИСТОН:

ЯНГИЛИКЛАР - ВОКЕАЛАР ҚИЗГУСИДА

● Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цземин тақлифига биноан давлат ташрифи билан мазкур мамлакатда бўлди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокараларида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида телекоммуникация, транспорт, сайёҳлик, савдо-сотик, таълим, ҳуқуқ ва қатор бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўрилди.

● Ҳоразм заминида ўзбек халқининг довурак ўғлини Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800 йиллигига

бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов буюк ватандошимиз юбилейи тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Маросим сўнггида театрлаштирилган томоша намойиш этилди.

Шу куни байрам тadbирлари доирасида қадим Хивада "Жалолиддин Манғуберди - Ватан, юрт ҳимоячиси" мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Сурхон воҳасида маданиятимиз сарчашмасининг ёрқин намуналаридан бири - "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов тантанаварида нутқ сўзлади. Театрлаштирилган сахна томошабинларда катта таассурот қолдирди. Тантаналарга хорижий меҳмонлар ҳам ташриф буюрдилар.

Байрам тadbирлари билан бирга илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

● Республика ёшларининг "Қамолот" жамғармаси ташаббуси билан БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Республика ОИТС (СПИД) Маркази ҳамда Дермотология ва венерология институти ҳамкорлиқда семинар - йиғилиш ўтказди. Мазкур семинар шу йил 1 декабр куни нишонланадиган Халқаро ОИТС (СПИД) га қарши кураш кунига бағишланди.

Семинар-кенгашда хорижлик меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

● Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик темир йўл компаниясида республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари иштирокида кишики мавсумга тайёргарликнинг боришига бағишланган радиоалоқа кенгаши ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосарлари

Л. Аҳмедов ва В. Отаев олиб бордилар.

● Республика Халқ таълими Маркази қошида янги педагогик технологиялар марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур марказ кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида ташкиллаштирилган бўлиб, бу ерда барча вилоятларда тайёрланган энг яхши ўқув қуроллари, дарс қўлланмалари, рисоалар ва услубий адабиётлар жамланган.

● Пойтахтимизда фавқулдда вазиятлар вазирлиги Авария-қутқарув кучлари бўлиналари республика мусобақаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг бир қатор вилоятларидаги авария-қутқарув кучлари иштирок этиб, фавқулддаги вазиятларда ҳаракат қилиш борасида қандай тайёргарлик кўрганликларини намойиш этдилар.

# НОМЗОДЛАР КУРАШГА КИРДИ

Ха, демократия ва муқобилликка асосланган сайловларда голиб чиқиш учун халқимизнинг энг сара вакиллари курашга кирдилар. Айни пайтда сизу-биз ҳам давлат ҳокимияти бўғинларига манфаатларимизни ёфода этаолувчи, ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга қодир ватандошларимизни сайлаш учун мушоҳада, мулоҳаза қилиб кўрмоқдамиз.

Дарвоқе, улар кўпдан-да кўп... Матбуотда рўйхати ёрлан қилинганлари сонининг ўзиёқ 1200 нафардан зиёд. Ҳаммаси ҳам асл, ҳаммаси ҳам муносиб. Барчасига талант ҳам бор, салоҳият ҳам...

Сўранг, ана шу минглаб дўстларимизнинг ҳозир қай бирини атайлик: Халқ депутатлари вакиллик органларидан номзод Миршохид Мирҳамидов ёки Муҳаммаджон Обидовними? "Фидокорлар" партиясидан Жалолиддин Сафоев ёки

Рустам Қосимовними? "Ватан тараққиёти" партиясидан Неъматулла Ибрагимовними? ... Эҳ-ҳе, қай бирини санаб ўтайлик!? Шоир куйлагандай:

**Йўқдек кўнда юлдузларнинг ҳисоби, Элимизда талантлар ҳам бесаноқ. Ватанимиз - мустақил, биз эсак - Унда порлоқ миллион-миллион дўст-ўртоқ!**

Агар бирор пайт ўйлаб кўрган бўлсангиз, қалам аҳлининг энг муқаддас майдони - унинг ёзув столи бўлганидек, ҳар бир касб соҳибининг ҳам ўз муқаддас майдони бўлади: деҳқонники - дала, ишчиники - дастгоҳ, олимники - лаборатория... Зеро, уларнинг қалби, шуури, безовта ўйлари ана шу майдонда ҳаловат топади. Ана шу майдонда улар тер тўкади, ижод қилади, курашади, пировардида, виждони покланади.

Салкам 24 миллион нафарли мамлакатимизнинг сайлов ёшидаги аҳли бугун - таъбир жоиз бўлса,

виждони поклайдиган яна бир майдонни кўриб турибди. Бу - сайловларда ҳалол кураш майдони. Илгари сайловларда гурuch курмаксиз бўлмаганидек, айрим дасти "узун" номзодлар дасти "калта"роқ номзодларни "чанг"да қолдириб, "улоқ"ни эгчиллик билан олиб кетганликлари сир эмас... Шу боиски, бу гал ҳам яна юртдошларимизда депутат - жойларда газ, электр, сув етказиб берувчи, қурилишларга шифер, тахта, бўёқ узатувчи, сартарошхона ёки этиқдўзлик устахонаси очишга қумаклашувчи ва, ҳатто баъзиларнинг жинойи ишларига аралашиб, суд идораси зиналарида ўрмалаб юрувчи "халис" хизматкор деган тушунча уйғониб қолмасин. Кураш амалдаги қонуларимиз доирасида ҳалол ва ошқора бўлсин! Майдон ҳам.

Бу майдонда биз номзодларнинг ҳаммасига эсон-омонлик, музаффарлик тилаймиз:

**Биз истаймиз халқнинг бард эр-аёллари, Олий Мажлис чашнида бўлсин аъзо! Эрки элнинг шахарлари, овуллари, Яхшилар-чун овоз берсин ва имзо!**  
**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

## ХАЛҚИМИЗ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛСАМ...

Мамлакатимиз мустақилликка эришган бошқа соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам давр талабидан келиб чиққан ҳолда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. "Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури" қабул қилинди. Лекин, бу борада қишлоқ тиббиётида талайгина камчиликлар ҳамон бартаараф этилмаяпти.

Бу масалага аниқлик киритиш учун гапни узокроқдан бошламоқчиман. Мен 1996 йили 1-Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳининг даволаш куллиётини тугатдим. Терапевт мутахассислиги бўйича бир йил давомида кўшни Шаҳрисабз туманида ишладим. Ана шу ўтган бир йил давомида жуда кўп фойдали нарсалар ўргандим. Шаҳрисабзда ёш мутахассисларга эътибор кучли эканига гувоҳ бўлдим.

1997 йил ўзим яшайдиган Чироқчи туманига ишга келганимда тиббиёт борасида камчиликлар кўп эканлигини кўриб олдим таъсирландим. Ўз олдимида беморларга таш-

хис қўйишнинг тез ва самарали усулларида бири-ультратовуш текширувни ўрганишни мақсад қилиб қўйдим. Сабаби, туманимиздаги мажхуд ультратовуш текшируви хулосасидан кўпчилик аҳоли норози бўлиб Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида сарсон саргардон бўлиб бориб келмоқда.

Шундан сўнг Тошкентдаги шифокорлар малакасини ошириш институтининг Онкология ва ультратовуш текшируви кафедраси профессори Оллоназар Дўстмуродовга ўз ниятларимни айтдим. Домла менга, "Ғоят хайрли ишга кўл урибсиз. Мен сизга нафақат Тошкентда, балки Германиядек тиббиёт тараққий этган давлатларда ўқинишингиз ва малака оширишингизни маслаҳат берадими", деди. Лекин бу истақлар мана 2 йилдирки ҳануз истақлиғича қолиб кетмоқда. Чунки бунинг учун фақатгина бир йўли - хўжалик ҳисобидан, яъни пул тўлаб ўқиниш мумкин экан. Аммо тўланадиган пулнинг миқдорига менинг иқтисодим етмайди. Икки йилдан буён ҳомий кидириб

чарчадим.

Келажақда эл-юрт учун кўплаб савобли ишлар қилиш орзусидаман. Лекин, ҳозирги пайтда мени кўлаб-қувватладиган бирор бир ҳимматли инсон топилмаяпти.

Ҳозир 25 ёшдаман. Баъзан умримнинг бекор ўтаётганидан қаттиқ ўқинаман. "Мени мутасадди раҳбарлар кўлаб-қувватлаб халқ кўламоқда-ку, менга ишонмоқда-ку", дея ўзимга таскин бераман. Келажақда менга ишонган халқимга хизмат қилишим учун ҳозир ўқиб-ўрганиб, малакали ва етук мутахассис бўлиб етишишим лозим-ку, ахир!

Мен шу ўринда биз ёшларнинг меҳрибон, ғамхўри давлатимиз Президентини Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан ташкил этилган истеъдодли ёшларни кўлаб-қувватловчи "УМИД" жамғармасидан ёрдам сўрайман. Менга давлатимиз ўз грантини ажрата олса, келажақда ўз она-юртимнинг ва халқимнинг дардларига дармон бўла оладиган, етук ва баркамол шифокор бўлиб етишмоқ орзусидаман.

**Абдурахмон ХУРРАМОВ,**  
**Чироқчи тумани**  
**Марказий шифохонаси**  
**шифокори**

## "ФИЛИП MORRIS" ТУҲФАСИ

Республика хунар-техника билим юртида 485 та ногирон, етим ва кам таъминланган болалар ўқийди. Уларга тикувчилик, радио-телевизор, уй-рўзгор буюмлари, тикув машиналари ва поймақалларни таъмирлаш, ЭҲМ операторлари тайёрлаш йўналишлари бўйича таълим берилади. Кўзи ожиз болалар учун касбга йўнал-

тириш гуруҳлари бор.

Яқинда "Филип Моррис" компанияси Республика хунар-техника билим юртига 10 та компьютер туркуми совға қилди. Компьютерда ишлашнинг ўргатиши ҳам ўзлари бўйинга олди.

**Д. РАҲИМБЕРДИЕВА**

## БИЗГА ҲАМ ЕР БЕРИЛСА...

1-гурuҳ ногирониман. 10 фарзандни - 6 қиз ва 4 ўғилни воёга етказдим. Энг кичкина қизим ҳозир 3-синфда ўқимоқда. Раҳматли турмуш ўртоғим ҳам 2-гурuҳ ногирони эди. Шифокор эдилар. 30-йил халққа хизмат қилдилар. Ўрақ хасталиги туфайли 1993 йил 56 ёшларида оламдан эрта кўз юмдилар. Бу турмушининг барча оғир-енглии ўз зиммага тушди. Мен ўзим 35 йил мактабда фаррош бўлиб ишладим. Қишининг совуқларида мактабни ювामан деб оёқдан қолдим. Унгача 28 йил пилла боқиб бердим. Ҳозир эса мана 10 йилдирки тўшақда михланиб қолганман. Болаларим ёш пайтлари хўжалик далаларида оиламиз билан ишлаганмиз.

Энди улар ҳам катта бўлишди, уйланди, қизларимнинг катталарини турмушга бердим, аммо уй-жой масаласи туфайли иккинчи ўғлимнинг ҳаёти бузилиб кетди. Иккита ўғлим ҳам уй-жой

торлиги учун уйланганларидан кейин ижарага чиқиб кетишди. 1995 йилдан бери ҳар жойда ижарада туриб, оилаларини тебратиб юришди. Аммо кудамиз "Қизимиз қачонгача кўчада кўманчи" - бўлиб юради деб келинимизни олиб кетиб қолди. Уйли-жойли бўлмадан, қизини юбормаслигини шарт қилиб кетишди. Мен невараларимнинг ҳаётидан юрагим ачишади. Иккита ўғлимнинг ҳам биттадан фарзандлари бор. Невараларим олдимда "бувижон" - деб юғриб юришларини, доимо ёнимда бўлишларини ният қиламан.

Мен қишлоқ фуқаролар кенгашига, раисга бир неча бор ариза билан мурожаат қилдим. Лекин аризамни қабул қилишмади. "Уй-жой солишга шароитингиз кўтармайди" - деб жавоб беришди. Сўнгра мен ҳокимиятга хат йўлладим. Ҳокимият "Текширинглар" деб раисга ва унинг муовинига топширибди. Улар кели-

либ "хат йўллаган экансиз, биз текширишга келдик", - дейишди. Лекин уйга киришмади ҳам. Ҳамма ёзганларингиз тўғри - деб қайтиб кетишди. Уй-жой солишга қурбингиз етмайди, ҳокимиятга "дом"га ариза ёзинг дейишди. Мен ҳокимиятга ариза ёздим. Шундан кейин менин аризам бўйича уй-жойга навбатга қўйишди. Бир неча бор хабар олдим, неча йилдирки 32-ўриндан кўзгалмайман. Улар ҳали "уй солинмаяпти, солинса берамиз", - деб қўйимини қуруқ ваъдаларга, пуч ёнғоқларга тўлдириб юборишяпти. Бўлмаса нечта уйлар қурилиб топширилиб ҳам бўлди. Ундан кейин мен касаллигим туфайли хабар ололмадим, болаларимнинг юборсам, ўзлари келсин, деб қайтариб юборишяпти. Мен юрولмасам қандай қилиб борай, ҳаттоки ногиронлар аравачасини ҳам беришмаган бўлса.

Яқинда маҳалла оқсоқолларини чақиртириб, маслаҳат қилиб, келишиб, катта келиним М. уй-жойга, участка ерига ариза топширди. Аммо, аризани қабул

қилишмаяпти. Кейин маҳалла комитетининг раиси аралашиб аризани амаллаб қабул қилишди. Аммо, агарда ололмасангиз биздан хафа бўлиб юрмангизлар, бизлар эмас юқоридагилар халқ қилишади, - дейишди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, маҳалламизда невараларигача, ер олиб қўйганлар бор. Нега? Нима учун менин болаларимнинг участка олишга ҳаққи йўқ? Ер беришса, ўғилларим лойдан бўлса ҳам 2 хона қуриб ўз бош-панасига эга бўларди, ҳар кимнинг уйида ижарада юргандан кўра, тўғрими? Оилалари ҳам бузилмасинди? Ҳозирда уйда 3 қиз ва 2 ўғлим бор.

Ўйлайманки, аёллар йилида мендек аёлнинг мактаби беварқ қолмайди. Илтимосим инобатга олинди деб кутти қоламан.

**Гулзина ҚОЛДИБЕКОВА,**

**1-гурuҳ ногирони**

**Тошкент вилояти,**  
**Қўрай тумани,**  
**Дўрмон қишлоғи,**  
**Қодирлик кўчаси, 90-уй**



## АЁЛИНГИЗГА ҚУЛАЙ, ҚИММАТЛИ, ФОЙДАЛИ СОВҒА

"Аёлингизга гул совға қилинг", "Атир совға қилсангиз бўлади", "Тилла тақинчоқлар совға қилсангиз қони фойда". "Қани энди қўлингиздан келса унга чиройли уй қуриб бержангиз-ку"... Аёлга нима совға қилиш ҳақидаги маслаҳатни, мунозарани ана шу тахлит сўнгсиз тарзда давом этверсангиз ҳам барибир бир тўхтама қелолмайсиз. Чунки, "Аёл" ва "Совға" деган сўзларнинг маъно-маъзуну чуқур ва аниқ дамда кенг, бепоён... Лекин, барибир аёлга ниманидир совға қилиб туриш эркакларимиз учун ҳам олий шараф ва ҳам кундалик одат бўлиб қолса нақадар яхши иш бўларди-я... "И-е, нима дегансиз, бунақанда чўнтак чидайди?" - дейди қай бир аяхону ё уяхонимиз. "Тўхтанг, қизишманг", деймиз биз бундайларга. Ахир "топан гул, топмаган бир боғ пиёз", деган нақлга таянсангиз олам гулистон. Табассум тўла чехрангиз ва ширин гуфторингиз ҳам аёлингизга ўзига ҳос совға бўлиши мумкин-ку, аслида шундай эмасми? Шу аснода яна бир йўрик - "Оила ва жамият"га обуна бўлинг - имконингиз бўлса бир йилга, ё ярим йилга, жа бўлмаса уч ойга... Сизнинг бу совғангиз аёлингиз учун барча совғалардан кўра қулайроқ, қимматлироқ, фойдалироқ бўлиши аниқ.

Аёлингиз - фарзандларим онасининг кўнглини олай, меҳрини қозонай, муҳаббатига сазовор бўлай десангиз "Оила ва жамият"га зудлик билан обуна бўлинг.

# БАШАР ФАРЗАНДЛАРИ ҲАЁТИДА ЯНГИ ДАВР

БМТ: БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ КОНВЕНЦИЯСИНING 10 ЙИЛЛИГИГА

1989 йил, 20 ноябр - башариятнинг 2 миллиард нафар болакайлари учун тарихий кун. Айни шу кун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси эндиликда Халқаро Қонун мақомига олган Болалар Ҳуқуқи Конвенциясини қабул қилди. Меҳр-муруват ва саховатга тўла умуминсоний гоълар билан суғорилган, 54 моддадан иборат бу Конвенцияда бугунги кунда дунёнинг 187 мамлакати фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси уни Ташкилғимизнинг илк давлари - 1992 йилдаёқ тан олди.

Ушбу муҳим ҳужжатнинг 10 йилги нишонлини арафасида Тошкентда ўтказиладиган Халқаро анжуман олдидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг оила ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири Танзила Камоловна Норбоева тахририятимиз меҳмони бўлди.

- Танзила Камоловна аввало газетхоналаримизга Болалар ҳуқуқи Конвенциясининг мақсад-муддаоиси ва асл моҳияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

- Болалар Ҳуқуқи Конвенцияси Ер қуррасидаги 18 ёшга тўлмаган (иркидан, миллатидан, насл-насабидан қатъий назар!) барча болалар ва ўспиринларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминлинишини ҳимоя қилади. Шу боиски, БМТ томонидан қабул қилинган ва қабул қилинаётган ҳамма Конвенцияларга нисбатан бу Конвенция иштирокчилари сифат ҳақиқатдан ҳам, сон ҳақиқатдан ҳам фаол, болаларни севмаган, элат, миллат, давлат ёки жамият тарихида бўлмаган.

- Конвенциядаги мавжуд 54 модданинг энг муҳим жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз?

- Бажонидил. Жумладан, унинг учинчи моддасида болаларга фаровонлиги учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ҳамхўрликнинг сўзсиз таъминлиниши ҳуқуқи қайд этилган. Олтинчи моддада яшаш ва соғлом ривожланиш ҳуқуқи кафолатланган. 12-13- 14-моддаларда болалар ўз қарашларини, фикрини эркин ифодалаши мумкинлиги виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқларига эгаллиги таъкидланган. Мана шу ўринда эттинчи модда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унда: Исм билан атилиш, фуқароликка, миллатига эга бўлиш, ўз ота-онасини билиш ҳуқуқлари ёзиб қўйилган. Шу мантиқнинг давоми 19-моддада ўзгача мазмун, ўзгача қирра билан изоҳланган: Жумладан болаларнинг, ота-она ёки ҳар қандай бошқа шахс томонидан ҳақоратлиниши, уларга қўпол муомалада бўлиш таъқиқланади.

Еки 20-, 21-моддаларга эътибор беринг: болалар оила ҳамхўрлигидан маҳрум бўлганда давлат томонидан кўрсатилган алоҳида ҳимоя ва ёрдам олиш ҳуқуқига эгалар. Хуллас, Конвенцияда башарият фарзандларининг ижтимоий таъминот неъматларидан,

ижтимоий суғуртадан фойдаланиш, зарур тиббий ёрдам олиш, дам олиш ва бўш вақтини мароқли ўтказиш, илим чашмаларидан баҳраманд бўлиш, касб-хунар ўрганиш, соғлигини сақлаш сингари барча ҳуқуқлар аниқ белгилаб қўйилганки, уларни таъбир жоиз бўлса, болалар ва ўспирлар ҳаётида XXI аср бўсағасида бошланган янги даврга менгаш мумкин.

- Илгари бўлгани каби ҳозир ҳам жаҳоннинг айрим оловли нуқталарида болаларни гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга тортиш, уруш ва можароли вазиятларга жалб этиш, қийнаш, зўрлаш каби нохуш воқеалар содир бўлмоқда. Ана шундай ғайри-қонуний шафқатсизлик ҳолатларига қарши муносабат Конвенцияда қай даражада акс этган?

- Болаларни гиёҳванд моддаларни ғайриқонуний равишда истеъмол қилишдан, шаҳоний мақсадларда фойдаланиш шаклларида, қуролли можаролар таъсиридан, қийноқлардан ва турли шафқатсизликлардан ҳимоялиниши Конвенциянинг 33, 34, 37, 38-моддаларида дангал, дадил, қатъий белгилаб қўйилган.

- Матбуотда "ЮНИСЕФ жамғармаси", "ЮНИСЕФ ташаббуси" деган тез-тез ўқиб, кўриб, эшити турамиз. Қолаверса, бу жамғарманинг фаолият мазмуни ҳам Болалар ҳуқуқи Конвенцияси фаолияти билан жуда-жуда уйғун, жуда-жуда ҳамоҳанг кўринади. У қандай жамғарма? 1950 йилнинг декабрида Бош Ассамблея ЮНИСЕФ ваколати доирасида ислохот ўтказиб, унинг зиммасига ривожланаётган мамлакатлар болаларининг кечиктириб бўлмайдиган эҳтижларига ҳам масъуллик мажбуриятини юклди. Шундан сўнг 1953 йилда Бош Ассамблея ЮНИСЕФни БМТ таркибидаги доимий тизимлардан бири сифатида қолдириш борасида қарор қабул қилиб, уни БМТнинг Болалар жамғармаси деб атади. ЮНИСЕФ деган ном эса сақланиб қолаверди.

Дунё болалари манфаатларида умумбашарий ҳамкорлик ришталарининг шаклланиши йўлидаги улкан хизматлари учун ЮНИСЕФ 1965 йилда Халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланган.

- Ана шу юксак мукофотга сазовор бўлган фаолият, хизмати самараларидан битта-иккитасини аниқ мисолларда айтиб бера оласизми?

- ЮНИСЕФ болалар ва ўспирлар ҳуқуқи, уларнинг турмуш тарзи, ҳимояси, соғлиги, яшаш ва ривожланишига алоҳида аҳамият бермоқда. Болалар ўлими ва касалланишининг олдини олиш, таълим ва таҳсил беришни таъминлаш борасида тинимсиз саъй-ҳаракатлар қиломоқда. Масалан, сўнгги 50 йил ичда ЮНИСЕФ олиб бораётган изчил сиеьаст туфайли дунё бўйича болалар ўлими 50 фоизга қисқарди: йилига 25 миллион нафардан 12,5 миллион нафарга қамайди.

ЮНИСЕФ фаолиятида: 50-йиллар - болалар ўртасида касалликларга қарши оммавий кураш йиллари, 60-йиллар - ривожланиш ўн йиллиги, 70 йиллар - му-

қобил ёндошувлар даври, 80-йиллар - болаларнинг яшовчанлик қобилиятини ошириш учун юриш йиллари, 90 йиллар - болалар ҳуқуқини ҳимоялаш ўн йиллиги бўлиб тарихга кирди. Чунончи, 80-йилларда ЮНИСЕФ жамғармаси ташаббуси билан "Болаларнинг яшаш ва ривожланиш манфаатларида Инқилоб" дастурининг амалга оширилиши натижасида 12 миллион нафар болалар ҳаёти сақлаб қолинди.

- ЮНИСЕФнинг Ўзбекистонда ваколатхонаси борми?

- Бор. Юқориди таъкидлаб ўтганимдек, Мустақил республикаси Болалар ҳуқуқи Конвенциясини 1992 йилда тан олгандан сўнг 1994 йил 1 март кун мамлакатимизда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ваколатхонаси очилди. У айни пайтда Марказий Осиё давлатлари ва Қозоғистоннинг ҳам бевоқиф минтақавий ваколатхонаси ҳисобланади. Бундан ташқари ана шу республикаларнинг ҳар бирида ҳам алоҳида-алоҳида ваколатхоналари мавжуд.

- Ваколатхона ўз фаолиятини Ўзбекистонда асосан қайси йўналишлар бўйича олиб бормоқда?

- Жумладан, қизмиқ, бўғма (хўрақак), қақшоқ, қўйқўтал, фалаж касалликлари билан хасталанган 2 ёшгача бўлган болалар ўртасида эмлаш ўтказиш учун зарур дори-дармонлар таъминоти республикада 100 фоиз ЮНИСЕФ кўмаги билан амалга оширилмоқда. Сўнгги пайтларда мамлакатимизнинг барча аҳолиси доирасида (ёшидан қатъий назар) фалаж бўлиб қолиш ҳолатига қарши ўтказилаётган миллий эмлаш кунлари ҳам шу жамғарма иши ҳисобланади.

Қолаверса Жамғарма мамлакатимизнинг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда эмлаш жараёнилари бўйича бир қатор тармоқ семинарлари ўтказди. Республикада камқонлик касаллигига қарши кураш, инсон организмда йод моддаси танқислигининг олдини олиш сингари доволаш-профилактика жараёнларида ҳам жамғарма катта ёрдам бермоқда. Тасаввур қилинг: инсон организмда йод танқислиги рўй берса нима бўлади? Табиийки, бўқоқ касаллиги авж олиб, одамда жисмоний заифлик сезилади, ақлий ривож сусаяди. Шу вадданки, ЮНИСЕФ мамлакатимиздаги мавжуд туз ишлаб чиқариш корхоналари махсуслотларини йодлаштириш учун махсус реактивлар ва кўплаб тегишли ускуналар етказиб берди. Пойтахтимиздаги эндиқринология институтида иختисослашган лаборатория яратилишига ҳисса қўшди.

- Сўнгги савол: Болалар Ҳуқуқи Конвенциясининг 10 йилги шарафига ўтказилиши мўлжалланган конференциядан қутилиётган мақсад?

- Мақсадни Конвенциянинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда айтмоқ жоиз. Зеро, Конвенциянинг ҳам, ЮНИСЕФнинг ҳам ибратомуз фаолияти жаҳон болалари ҳаётида янги давр бошлангандан дарак. Шундай экан, бу давр ҳали умумжаҳон жамоатчилиги томонидан янада ва янада - ҳамиша, ҳар қачон, ҳар жойда кўллаб-қувватланавериши керак. Болалар соғлиги, болалар қамоли - дунёмиз эртаси, башар келажагидир. Анжумандан қутилган мақсад шу!

- Ташаккур... Сухбатдош Замон АЛИ



Аёл кишини хонадон чирогига қиёслайдилар. Бизнинг орамизда шундай аёллар ҳам борки, улар уй юмушлари, фарзанд, набиралар тарбиясидан ортиб давлат ва жамоат ишларида фаол қатнашадилар.

Шарҳинос олима Муборак Юнусхўжаева ана шундай аёллардан биридир. "Тошкент тарихи", "Оила - мураббий", "Ўзбекистондаги фан тараққиётида аёлларнинг ўрни" каби китоблар ва 10 га яқин рисоалар муаллифидир.

Муборак опа кўп маърузаларида "Тоғнинг баландлиги чўқиси билан улчанса, оиланинг кўрки аёл билан" деган иборани ишлатишни яхши кўрадилар.

Дарҳақиқат, идрокли аёл болада ростиғулки, дангаса бўлмаслик, хушмуомалилик ҳислатларини тарбиялайди. "Агар онасига баҳо бермоқчи бўлсанг, болаларига боқ" дейилади ҳадисда ҳам.

Бу борада Муборак опага бахт кулиб боққан десак муболага бўлмайди. Уларнинг меҳрибон волидалари Собирахон ая оиладаги 6 фарзандни қомил инсон қилиб тарбиялаб, ҳаммаларини олий маълумотли бўлишларида улкан ҳисса қўшган аёлдир. Муборак бош фарзанд бўлгани учун онаси: "Сен каттасан, қайси йўлдан кетсанг, укаларинг сўнга эргашади. Ҳамиша камтарин бўл, сенга меҳнатингга ўзгалар баҳо берсин" деб уқтирар эдилар. Энг катта бойлигим - онам ҳаётлар.

Ўрта мактабни олтин медал билан битириб, Тошкент Давлат Университетини ҳам имтиёзли диплом билан тугаллаган, кейинчалик аспирантурада ўқишни да-

урун" ордени соҳибаси.

- Бу йил давлатимиз раҳбари томонидан "Аёллар йили" деб эълон қилинишини қандай изохлайсиз?

- Тарихимиздан маълумки, қадимдан аёллар кишилик жамиятининг барча соҳасида ўз ўрнига эга бўлишган. Аёллар орасидан шавқатли ҳукмдор, оқила маслаҳатгўйлар, етук дошмандлар, зарбадист олималар, шоиралар, зукко санъаткорлар, ажойиб уй бекалари, маънавият соҳибалари етишиб чиққан. Шарқ мамлакатларида уларни кўплаб учратиш мумкин. Тумарис, Барчиной, Ойсулув, Орзиғул каби эпик образлар бунга мисолдир. Буюк файласуфлардан Гегель: "Шуниси қизиқки, асарият буюк кишиларнинг она-

лари ҳам ажойиб инсонлар бўлишган. Бундай шахслар оталаридан ҳам кўра кўпроқ оналарига тортган эканлар", - деб ёзган эди. Дарҳақиқат, деярли барча буюк боқолонларимизнинг оналари ўқимчилик бўлишган. Ибн Синопнинг оналари Ситорабону ҳам, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Навоий бобомиз, Бобир Мирзонинг оналари ҳам етук билим эгалари эдилар. Уларнинг кўплари маънавият уруғини сочилишда фидойий бўлишган. X асрда яшаган Робия Балхий, XI асрда яшаган Ойиша Самарқандий, XII асрда яшаган Муниса, XIII асрда яшаган Мут-

риба бегимларнинг номи тарихда қолган. Меҳрий, Ниҳрий, Ифратий, Қамила, Гаъварбегим, Дилшоод отин каби шоирларимиз эса Алишер Навоийга замондош бўлишган.

"Аёллар йили" деб эълон қилинишидан мақсад - аввало аёлларни ижтимоий муҳозафа қилиш, уларни соғломлаштириш масаласи бўлса, энг муҳими, уларнинг идрокли, ақл-фаросатига катта ишонч туйғуси ётади.

- Қайнона-келин ўртасидаги муносабатларга қандай қарайсиз?

- Оилада аёл - бош тарбиячи, шунинг учун қайнона - она ўз оиласига фарзанд бўлиб келган келинни ҳам сабр-тоқат билан тарбиялаши керак. Халқимизда "Қайнона қайнамаса, келин айнамайди" деган нақл бор. Оилада қайнона-қайнона ёшларга кўпроқ вазифасини ўташлари лозим. Қизларнинг оналари ҳам сарполарни кўпайтириш ўрнига қизларига одоб либосини кўпроқ берсалар яхши бўларди.

Шу ўринда Муборак опанинг оилалари ҳақида икки оғиз сўз. Турмуш ўртоғи Анвар ака Юнусхўжаев тарих фанлари номзоиди, ўғли Муродхўжа иқтисодчи, келини Гулнароҳон шифокор. Иккита ширин-шакер набиралари бор. Муборак опа ҳаётда нимаки ютуқларга эришган бўлсалар уларнинг барчасига ўзи қамолга етган оиларий муҳит, қолаверса ўз хонадонлариди ҳотиржамлик туфайли эришганлар.

Муҳайё МИРСАЙДОВА

## ОИЛАНING КЎРКИ АЁЛ БИЛАН

Уйдаги энг кичик фарзанд, бунинг устига ягона қиз бўлганим учун эркатой эдим. Айниқса, отам мени эркалаб "Оллоқ қизим", - деб чақирарди. Кунлар ўтиб улгайдим. 9 синфни битириб тикувчилик билим юртига ҳужжатларимни топширдим. Лекин дадам у ерда ўқишимни хоҳламадилар. "Яна икки йилдан кейин мактабни битирсанг, институтга киргизиб қўямиз", - дедилар. Бу гапни маъқул топиб мактабда қолдим. Икки йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Бир кун дадамнинг дўстларидан бири хотини билан тугун кўтариб келиб қолишди. Уша кун онам уйда йўқ эдилар. Уларни ўзим кўтиб олдим. Меҳмонлар олдиға бор-йўқ нарсани тўкиб сочдим. Бир маҳал чойнақда чой билан пилла кўтариб кириб келаётган дадамнинг "Қизим ҳали ёш бўлса, мактабни эндигина битириб турибди. Сизларга келин бўла олармикан?", - деган гапларини эшитиб, турган жойимда қотиб қолдим. Тезда ўзимни тугиб чойни олиб кириб дастурхон устига қўйдим-у, орқамга қараб чиқиб кетдим. Кейин билсам, улар ростдан ҳам менга совчи бўлиб келишган экан. Олдинига қулдим, сўнгра худди эртагаёқ келин қилиб олиб кетадигандай кечаси билан йиғлаб чиқдим. Шу орада мактабни ҳам битириб, дадамга ўқишни битирсам институтга олиб кириб қўймоқчи эканликларини эслатдим. Дадам эса "Қизим, ахир эртаниндин чойни кувёга тегай деб турибсан-у, тагин ўқиш дейсан-а", - деб қулдилар. Биров устимдан муздек сув қуйиб юборгандек ҳис қилдим ўзимни. "Ада, нима деярсиз ахир, мактабни битиришиб билан эрга бермоқчимисиз?", - деб юбордим. Дадам эса: "Наҳотки онанг айтмаган бўлса, тез қунда фотиҳа бўлади-ку", - дедилар. Онамдан сўрасам, буларнинг ҳаммаси тўғри экан. Кўнгли ўқиб қолмасин деб айтолмай юрган эканлар.

Хуллас, қўярга-қўймай мени Н. исмли йигитга турмушга беришди. Олдинига ҳеч ҳам кўника олмадим. Сўнгра пешонамдагини кўравераман деб тақдирга тан бердим. Ҳаётимиз ёмон кечмас, Н. аканинг менга муносабати илиқ эди. У фабрикада ишлар, эрта кетиб кеч қайтгани учунми у билан кўл ҳам гаплашмас эдик. Кунлар, ойлар ўтаркан, Н. ака таниб бўлмас даражада ўзгариб қолди. Н. ака энди мен билан умуман гаплашишни хоҳламай қолган эди. Бир кун ишдан барвақт қайтиб келиб, одадича менга ҳеч бир гап айтмай, саломимга алик олмай уйга кириб кетди. Кетидан уйга кирдим. Минг бир изтироб билан ундан гап сўрай бошладим. "Тинчликми, нима бўлди ўзи? Узингни беғона одамдек тутасиз, миқ этмай келиб кетиб юрасиз. Нимага бунчалик ўзгариб кетдингиз?" - дедим. Эрим менга бир қаради-ю, яна тош қотди. Унинг бу ҳолига чидай олмай ташқарига чиқдим. Тўйимизда олти ой бўлганди. Шу кунларда уйимиздагилар кенжа акамни уйлантириш тараддудини кўраётган эди. Икки-та катта акам уйли-жойли бўлиб чиқиб

кетишганди. Кенжа акамнинг тўйини, яъни оиламиздаги сўнги тўйни зўр қилиб ўтказишни орзу қилишганди. Тўй ҳаракатлари билан 3-4 кун қизлик уйимда қолиб кетдим. Ниҳоят тўй кун ҳам етиб келди. Меҳмонлар орасида қайнона ва қайнотамни кўриб, алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан кўтиб олдим. Негадир Н. акам кўринавер-

фикрлар оқиб кела бошлади. Наҳотки эрим мени шунча пайтдан бери севмай келган бўлса, наҳотки мен у билан бир жонсиз кўғирчоқ мисоли яшаб келган бўлсам, - деб ўйлаб кечаси билан йиғлаб чиқдим. Энди бу ёнғига нима қилишга ҳайрон эдим. Ҳеч ҳам ўйлаб ўйимга етолмадим. Лекин буни шундоқлигича қолдиролмасдим

тура олмай қолдим. Энди эрим мени назорат қилар, кўчага чиқсам ҳам менга дағдаға қилар эди. Ўзи эса қунда ароқ ичмаса туролмайдиган бўлиб қолганди. Бўлар-бўлмас нарсанга жанжал чиқариб мени ҳақоратларди. Охири буларга чидай олмай бир кун қандай бўлмасин уйимга бориб келиноиймдан алашимни олишни кўнглимга тугиб қўйдим. Эрим зарур иш билан кетгач, тезда отланиб уйимга йўл олдим.

Уйда келиноийм билан акамдан бошқа ҳеч ким йўқлигини билиб, келиноиймни олдимга чақирдим. Хўрлгим келиб, "Сен суюқоёқсан, ҳаётимни заҳарладинг, бу ҳол етмагандай акамни ҳам нобуд қилмоқчимисан? Йўқол, бу уйдан, сени кўришга тоқат қилолмайман",

ҳам. Тонг отди. Н. акамдан эртарақ туриб унга нима дейишимни яна бир бор ўйлаб олдим. Ниҳоят нима эшитганим бўлсам ҳаммасини айтишга қарор қилдим. Қалбимдаги барча аччиқ ҳақиқатларни тўкиб сочдим. Н. ака эса берпарвогина менга қараб, "Кимдан эшитдинг бунақа беъмани гапларни", - дея ўзини оқлай бошлади. Мен кейин ҳам унинг айтганини айтдим. Н. ака қотиб қолди. Тилига калима келмагандай зўрга "Келиноийнгни исми нима?", - деб сўради. Менинг "Дилдора" дейишим билан югурганича кўчага чиқиб кетди. Уша

куни Н. ака ярим кечаси маст ҳолатда уйга кириб келди. Ваҳожати баланд, бир қўлида таёқ, мен томонга қяинлаша бошлади. Қўрқанимдан қай томонга қочишни ҳам билмай қолдим. Аксига олиб уйда додимни ашитадиган ҳеч ким йўқ эди. У мени ўлар ҳолатга етгунимча урди. Охири оғриққа чидай олмай инграганча беҳуш ерга йиқилдим. "Агар бирон марта уйингга борсанг, сени бурда-бурда қилиб ташлайман", - деди. Фаҳмладимки, у уйимизга бориб барчасига ишонч ҳосил қилиб келган экан. Икки-уч кун аъзои баданим лат еганидан ўрнимдан

## УНИНГ УЧУН ЖОНСИЗ КЎҒИРЧОҚ БЎЛИБМАН...

ДИЛ ИЗХОРИ

мағач, улардан сўрасам, "Мазази йўқ эди, келолмади", - деган жавобни олдим. Н. ака келмагани учун тўй менга татимади ҳам.

Тўй ўтгач, ҳамма "Мактаса арзигулик келин экан", - дейишди. Келиноиймга меҳримошди. Келиноийм билан муносабатимиз яхши эди. Сирлашардик. Бир кун келиноийм қизлик пайтида бир йигит ўзига ошики беқарор бўлгани ҳақида айтиб қолди: "Унда фабрикада ишлар эдим. Н. исмли бир йигит изимдан қолмай эргашиб юрарди, ҳатто уйимга-ча кузатиб кўярди. Охири у менга яқинда уйланган бўлса ҳам мени севшини, хоҳласан ундан ажралиб менга уйланишга тайёр эканини айтса бўладими денг. Бировга энди иккинчи хотин бўламани деб, онам тегсанг ҳам тегасан, тегмасанг ҳам тегасан деб юрган акангизга рози бўлиб юбордим". Келиноиймнинг бу кечмишидан асанкираб қолдим. Наҳотки, келиноийм ҳикоя қилаётган бу воқеа қахрамони эрим бўлса. Ўзимни зўрга тугиб олиб уйга қайтдим. Сўнг нима учун эримни шу кунларда заҳар сосиб юрганини тўшунгандай бўлдим. Ҳаёлимга ҳар хил



ҳам. Тонг отди. Н. акамдан эртарақ туриб унга нима дейишимни яна бир бор ўйлаб олдим. Ниҳоят нима эшитганим бўлсам ҳаммасини айтишга қарор қилдим. Қалбимдаги барча аччиқ ҳақиқатларни тўкиб сочдим. Н. ака эса берпарвогина менга қараб, "Кимдан эшитдинг бунақа беъмани гапларни", - дея ўзини оқлай бошлади. Мен кейин ҳам унинг айтганини айтдим. Н. ака қотиб қолди. Тилига калима келмагандай зўрга "Келиноийнгни исми нима?", - деб сўради. Менинг "Дилдора" дейишим билан югурганича кўчага чиқиб кетди. Уша

куни Н. ака ярим кечаси маст ҳолатда уйга кириб келди. Ваҳожати баланд, бир қўлида таёқ, мен томонга қяинлаша бошлади. Қўрқанимдан қай томонга қочишни ҳам билмай қолдим. Аксига олиб уйда додимни ашитадиган ҳеч ким йўқ эди. У мени ўлар ҳолатга етгунимча урди. Охири оғриққа чидай олмай инграганча беҳуш ерга йиқилдим. "Агар бирон марта уйингга борсанг, сени бурда-бурда қилиб ташлайман", - деди. Фаҳмладимки, у уйимизга бориб барчасига ишонч ҳосил қилиб келган экан. Икки-уч кун аъзои баданим лат еганидан ўрнимдан

РАЪНО

## МИСРАЛАРДАН ОҚИБ ЧИҚҚАН СОҒИНЧ СИРЛАРИ

ХОТИРА-МУҚАДДАС

Дунёда қўлига қалам олиб шеър ёзишни машқ қилмаган, муҳаббат дардида мубталло бўлган кечаларда ана ўша оҳанглар оташида маст бўлмаган ҳиссон бўлмас керак. Гўри, шеърни ҳар ким ёзиши мумкин, шоир бўлиш эса қисмат. Ана шу қисмат шоира Шокира Маҳжамова-чинг ҳам пешонасига ёзилган экан. Ая ҳаётлигида ҳар бир ёзган шеърларининг биринчи ўқувчиси албатта фарзандлари бўларди. Унинг 3 ўғил, 3 қизи, ўндан ортиқ неваралари бор. Энг қизиги шундаки, у ҳар

бир шеърларини фарзандларининг феъл-атворидан келиб чиқиб ёзади. "Оллоҳ фарзандларимга ҳам фарзанд ато этса, мана шу шеъримни қўшиқ қилиб айтман", - деган ниътада "Алла" қўшигини яратди. **Бу бевафо дунёдан сўрамасман олтин, зар, Оллоҳ берса боламга айтсам дейман аллалар...** Шокира аянинг турмуш ўртоғи Лутфулла ака Маҳжамов ўт ўчирувчи бўлиб ишлаган. Хушовоз хонанда Озода Нурсаидова ижро этган "Бе-

гим", "Ойдин кечалар", "Вафодоримга газал" каби шеърлари турмуш ўртоқларига аталган. **Сен билан ўтди умрим, Менда зарра армона йўқ, Сен билан сурдим даврон, Менда зарра армона йўқ...** Шоира қаламидан яна қўллаб мавзуларда мисралар тўқилган. Улар волида муҳтарамаларига атаб қуйдаги баётларни битган: **Онамсиз кенг ҳовлида ғарибдан ғариб, Жовдираб қоларман уни ахтариб...**

Ҳар доим шоиранинг шеърларини ёнимда олиб юраман. Чунки унинг мисраларидаги гоҳ ғамгин, гоҳида қувноқ оҳангли ҳамиша менга руҳий қувват бағишлайди. Оҳанрабо туйғулар яширинган ширин мисралар муаллифи Шокира ая ва улар каби адабиёт оламининг вақиллари ҳамиша биз ёшлар учун ўрнак бўлиб қолаверади.

Саломат ХАЛИЛОВА, Миробод туманидаги 328-мактабнинг 8-синф ўқувчиси

# “ЮРАК ДАРДИ МЕНИ ҚИЙНАЙДИ”-32-СОН

**Эслатма:** “Бир эркакка боғланиб қолдим. Иқтисодий жиҳатдан мени тула-тўқис таъминлайди. Лекин ўғлимни уйлантиргач, бу йўлдан қайтмоқчи бўлдим. Эркак эса мендан ажраладиган бўлсанг, ҳамма гапни қудаларингга, ўғлингга айтиб бераман, деярти. Нима қилай?”-деб ёзганди, Х.исмли аёл.

## АЧЧИГИНГИЗ КЕЛСА БУРНИНГИЗНИ ТИШЛАНГ

Сизнинг юрак нолаларингизни ўқиб, сиздан жуда нафратландим. Айни ҳозир ёшларга маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатадиган ёшда экансизу, уялмай-нетмай одамлардан маслаҳат сўрасиз. Болалар боғчасида тарбия қилиб ишлайман, -дебсиз. Сиз бу ҳулқ билан қандай қилиб болаларга тарбия бериясиз, ҳайронман. Узингиз тарбияга муҳтож одам экансиз. Агар мен ўша боғчада мудира бўлганимда эди, Сизни аллақачон ишдан бўшатиб юборган бўлар эдим. Сиз оилангиз шайнинг доғ тушириб, “суяқ оёқ” деган номни ўзингизга бир умрга тамга қилиб олибсиз. 4 йилдан бери эрингизга хиёнат қилиб, қайси виждон билан яшаб, эрингизни қўзига қараб келдингиз. Демак, сиз эрингизни бир чақага ҳам олмайсиз. Агар тўнғич ўғлингизни уйлантирмаганингизда сиз виждонингиз қийналмай шу инфос ҳаётингизни давом эттирган бўлардингиз.

“Аёл киши кийим-кечакча, тилло тақинчоқларга ўч бўлади. Яхши кийинши, яхши ейинши хоҳламаган аёл йўқ”, -деб ёзибсиз. Бу сўзларингиз билан ўзингизни оқлаб, қанчадан-қанча оиласига вафодор аёлларни қораллаганингизни биласизми. Сиз ўзингизни дунёқарашингиз билан ҳам аёлларни ўзингизга ўхшатибсиз. Лекин янглишасиз. Эридан ажрашган ва эри ўлиб, бева қолган аёлларимиз Оллоҳнинг берган риску насибасига шукр қилиб, фарзандларини ҳалол меҳнатлари билан тарбиялаб, вояга етказиб яшаб келаётганини сиз қаердан ҳам билар эдингиз.

Мен ҳам бева аёлман. 35 ёшдаман. Ажрашганман, 3 та фарзандим бор. Ўғлим 15 ёшда. Қизларим Фо-

тима-Зухра 2,5 ёшда. Ҳаром йўллар билан пул топиб, яхши кийим, яхши таомлар едиргандан кўра, ҳалол меҳнатим билан ўрта ҳолда яшашни афзал биламан. Тижорат ишлари билан шуғулланаман. Ўз қадрини билмаган инсон, ўзгаларнинг қадрини қаердан ҳам билсин. Минг афсуслар бўлсинки, сизга ўхшаш енгил ҳаётга, айшу-ишратга ва бойликка ҳирс қўйиб, оиласига хиёнат қилиб яшаётган аёллар озми-кўпми жамиятимизда учраб туради.

Ўйнашингиз эрингиз ҳақида: -эркак эмас, агар у ҳақиқий эркак бўлганда эди, сени хиёнатингни аллақачон сезган бўларди,-дебди. Тўғри бу хиёнатга ҳар қандай эркак ҳам чидаб туролмас эди. Лекин эрингиз сизнинг хиёнатингизни аллақачон сезган, деб ўйлайман. Тиллари қисқиб, сизга хоҳлаган зебу-зийнатларни олиб беролмас. Балки эрингиз қуда-андалик бўла туриб, оиладан ажралиб, фарзандларингизни ота меҳрига зор қилишдан андиша қилаётгандир. Сиз 43 ёшда бўлсангиз, эрингиз 50 ёшларга бориб қолгандир. Бу ёшда ёлғиз яшаб, яна иккинчи ҳаётни бошқатдан бошлаб яшаб анча мушкул нарса. Шуларни ўйлаб, аламларини ичига ютиб, чидаб, сиздек суяқ оёқ аёл билан яшаб келаётгандир.

Лекин бу дунё қайтар дунё, шуни эсингиздан чиқарманг. Қуш уясида кўрганини қилади. Мисол, фарзандларингизни хотини, янни келинингиз ҳам шу йўлга кириб ўғлингизга хиёнат қилса, чидаб тура оларимдингиз. (Балки бу ахмоқ аёлга, яхши келин тушган бўлса, келинларидан уэр сўрайман. Бу оддий бир мисол, холос).

Ўйнашингизни ҳақиқий мард инсон дебсиз, албатта бу сизнинг фикрингиз. Лекин мен бу инсонни ҳақиқий номард инсон, деб атаган бўлар эдим. Биринчидан, бу одам ўз оиласига хиёнат қилиб, бировнинг хотинига кўз олайтирмаган бўлар эди. Иккинчидан, энг пасткаш эркак аёлларни кўрқитиб, уларга шарт қўйиб ва аёлларга қўл кўтарди, деб ўйлайман. Учунчидан, нопок йўллар билан ҳаром- ҳариш пул топган эркак, бу пуллари ҳаром машаатларга ишлатади. Ҳаром топилган пулнинг қадри паст ва умри қисқа бўлади. “Мени тинч қўйинг деб, ялиниб, ёлвориб оёқларига йиқилиб йиғладим”, -дебсиз. Эҳ тенг аёл, орадан озмунча вақт ўтиб, ёшингизга ёш қўшилганда шундоқ ҳам у сизни ташлаб кетади. Сиз ўшанда ялиниб, ёлвориб, оёқларига йиқилиб “мен билан учрашма туринг”, - десангиз ҳам қайрилиб қарамайди. Чунки у сиздан ҳам ёшроғини топиб, ўзига жазман қилиб олади. Хотинига хиёнат қилган одам ўйнашига хиёнат қилмайди, деб ўйлайсизми?

Ўзингизда бу одам билан ажралашга хоҳиш йўқ. Ўғлингизни, қуданингизни деб ажралашмоқчисиз. У одам сизни тинч қўйди, дейлик, озгина вақт ўтиб, яна янги чиққан замонавий либосларни кўриб, кийингиз келганда, ўзингизни тўхта олмай у билан яна кўришгингиз келади. Енгил табиат аёлларнинг эҳти тавба қилса ҳам кети тавба қилмайди. Мана шу мақол айнан сизга ўхшаган аёлларга тегишли деб ўйлайман.

Турган гапни сиз меннинг нафрат тула бу сатрларимни ўқиб, аччиғингиз чиқди. Мен эса сизга аччиғингиз чиқса бурнингизни тишланг, дейман.

МУХТАБАР  
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани...

## ЭЙ, ОДАМ БОЛАСИ ОХИРАТИНГНИ ЎЙЛА

Мақолани ўқиб Х.га бўлган нафратим ошиб кетди. Х. исмли (аёл дейишга тил бормади) бетоғиқ қуда кўргач бемаъни йўлга кириб кетганини ёзди.

Эй виждонсиз аёл, бу йўлга киришдан олдин фарзандларингни, эрингни, ота-онангни ҳаётини ўйламадингми? Эрингни ва фарзандларингни тириклайин ерга тикиб юборишингни, синринг ошкор бўлса, ҳаётинг остин-устун бўлишини кўз олдингга келтирдингми? Ўтган йилги газетада М.Х.ни ҳаёти ҳақида ҳам ёзилган эди. Ўқиб анчагача нафратландим юрган эдим. М.Х. билан Х.ни ҳаёти бир хил, иккаласи ҳам ўткинчи ҳамда жирканч бойликка ўйиб, шарм-ҳаё, номусини йўқотишган, буларни ҳали виждон азоби тинч қўймайди... Яна мақолада Х. эридан уни-буни олшти учун пул сўрайвериб зерикканини ёзди. Эҳ, ношукр банда бориға шукр қилиб юравермайсани. Энди қайси юз билан фарзандларингга оналик қиласан-а? Келининггачи? Яна мени шайтон йўлдан урди, деб ёзибсан, мен ишонмадим, чунки сен бу хурматчи қилдикларинг билан шайтонга ҳам дарс беришдан тоймайсан. Яна бир гапимни ўша 49 ёшли хусурий фирмани бошлиғи (фирибгар)га айтмоқчиман. Ўша Х.ни йўлдан ургунча, ўшанда пулни 5 минутлик лаззатни уйламай, бирон бир болалар уйгами, ёрдამга муҳтож оилаларга бериш керак эди, савобга қолар эдинг. Ишонтириб айтмоқчиманки, ҳеч бир одам пешона тери эвазига топилган ҳалол пулни бекордан бекорга соғуравермайди. Ҳаромдан, нопок йўллар билан пул топган одам шундай йўлга қиради. Яна Х.ни ўзига айтмоқчиман. Х.га ўхшаган фарзандлари, оиласи, уй-жойи бўла туриб, (буларни фоҳиша дейиш керак) ёмон йўлда юрган “аёллар” юримиздаги мунис-муътабар онахонлару, опа-сингилларимизни юзига оёқ қўйгандек бўлмоқдалар. Буларга энг олий жазо (ўлим эмас) ёру биродарлар, маҳалла-қўй олдида шарманда қилиш керак. Буларга ачиниш бефўададир. Х.ни тутган йўли бошқа шунга ўхшаш баъзи аёлларга сабоқ бўлсин. Қўнғир йўлга юрганни ҳолига вой. Мен маслаҳат бермоқчи эмасман, бундайлар эрини кўзга илганган, бегонани гапини олармиди. Яна бир гап, Бехуз деган бола қилғилқини қилиб “чора тополмай қолдим”, -деб ёзди. Мадинани йўлдан урибсан, энди Нигорани ҳам номуссиз қилмоқчимисан, номард! Мардлар бундай йўл тутмайдилар.

Хурматли газетамиз мухлислари, сизлардан кечирим сўрайман, бироз қизишиб кетибман. Ибн Сино айтганидек: “Ер юзида чанг ва гўбор бўлмаганида, одамлар 1000 йиллар яшаган бўлар экан” деганди. Дунёда адоват, гина ва фоҳишабозлик бўлмаганида одамлар баҳаловат яшардилар.

Тахрират ходимлари, иложи бўлса ёганларимни тўлиғича чиқаришларингизни сўрайман.

А.ЖУРАЕВ,  
26 ёш.

Андижон вилояти, Асака тумани

## КЎРМАГАННИ КЎРГАНИ КЎРСИН

Мени ёшим сиздан ёшроқ бўлса ҳам дунёда бу бошимдан нималар ўтмади дейсиз. Х.опа, яқин йиллардан бери сизга ўхшаб йўлдан адашган аёллар рўзномаларга тез-тез хат ёзиб турадиган бўлиб қолишди. Ҳаммасини топган баҳонаси бир - “мени шайтон йўлдан урди”, -деб оҳ-воҳ қилишади. Шайтонни тинч қўйтарайлик-да, ўзимизга, ўзлимизга ва ўзбек аёллигимизга бир назар солайлик. Сизда ва сизга ўхшаган аёлларда “ибо-ҳаё” деган нарсани ўзи йўқ. Агар сиз ориятли аёл бўлсангиз тилла тақинчоғу, матоқларингиз ҳақида элга дoston қилиб “ёзармидингиз. Ўзбекларда бежиз айтмаганда, “Кўрмаганни кўргани кўрсин”, -деб.

Х. опа Сиз, яна ёзингизча, ўша эркак қилиб берган шароитни эрингиз қилиб беролмас экан. Бу баҳона бўла олмайди. Сизга эрингиздан ҳам кўпроқ шароитни ўзингизга ўзингиз яратишингиз керак. Ахир оилادا аёл киши кўпроқ роль ўйнайди. Кўпол қилиб айтаманда Х. сиз бу қилган ишингиз билан “танфуруш”лар қаторига кирасиз. Бу мол-дунё зебу-зийнат, чирой ҳаммаси ўткинчи. Опажон, Сиз бошингиз ёстиққа тегиб касал бўлмагансиз. Шунинг учун ҳам бу гўзал дунёни, фарзандларни, эрни қадрини билмайсиз. Агар ҳамма аёллар йўқчилиқни баҳона қилиб шу йўлни танласа, унда аёлни аёллиги қани? Олло-тоалло берган сабр-қаноат қани?

Мен аёллигим учун Сизни аҳволингизга ачиниб кетдим. Сўзларим оғир ботса уэр. Сиздай аёллар борлиги учун ҳам қанчадан-қанча оилани қорақўз фарзандларини номи, қолаверса кўнгли яримта бўлиб қолаятти. Бу куйи келиб ўша норасида гўдакларни охи фалакка етиб, бўйингиздаги занжирлар Сизни бўғишдан қўрқинг.

Яратгани ўзи Сиздай қаноатсиз аёлларга, қаноат, сабр, ақлу фаросат ато этсин, Илоҳим!

Раъно УМАТОВА

## АЙБИНГИЗГА ИҚРОР БЎЛИНГ

Менинг ёшим 46 да. Синглим сизни мақтубингизни ўқиб тасвирландим. Эрим билан ажрашганман. Ёлғиз аёлман-2 та ўғлимни вояга етказдим. Бола-чақа деб ширин орзуларини ҳаммасидан воэ кечдим. Хуллас, ёлғиз ўзим ҳам ёмон, ҳам яхши бўлиб яшаш учун курашдим. Лекин чидадим.

Энди сизга келсак, айбингизга иқдор бўлинг. Ўша одамга тушунтиринг- эрилган бошини қилич кесмайди. Биринчи шартига асло қўнманг. Майли қудаларингиз эртами кеч барибир эшитишади. Билишингиз, ўғлингизга тушунтиринг. У одам олиб берган барча ва барча нарсаларни унинг хотинига беринг ва бориани айтиб беринг. Орани шундагина очиб қиласиз. Ва худудан ўзингизга инсоф сўраб эрта-ю кеч намоз ўқинг. Яқин бир умр виждон азобида қийналасиз. Саришта-ю озода бўлинг. Ва ушбу мисралар билан тугатмоқчиман.

Хиёнат қилганда ёрига санама,  
Кимдир ушбу холга қараса бегама.  
Ҳаётда учраса шундай шумқадам,  
Бу мараз иллатга курашиб ҳар дам.  
Тўқмоқ бўламан.

Шоира ВАЛИЕВА

Тошкент, С.Раҳимов тумани

## ҚАЛАМПИРНИ ЧАЙНАБСИЗ...

Хурматли Х. опа, сизнинг кеңишларингизни ўқидим. “Қалампирни чайнабсиз ютмай энди илож йўқ?..” -дегим келди.

Энди сиз фарзандингизни бахтини ўйланг, бу йўлдан қайтинг. Уларга оналик меҳрингизни бағишлаг. Ўзингизни бахтсиз деб билсангиз, улар бахтли бўлишига ҳиссангизни аяманг. Қилган нотўғри ишларингизни ўғлингизга эмас, турмуш ўртоғингизга айтинг. Чунки бундай дardни она болага айтгандан кўра, отасига айтгани ўрнироққ деб биламан. Балки шундай қилсангиз, Оллоҳим сизни кечирар.

### ТИЛАК

Аёлсан ҳаёли, ибоби бўлгин,  
Ерингга, ваъдага вафоли бўлгин.  
Бир йигит қалбига чироқ бўлгину,  
Икки бор севмагин, танҳоли бўлгин.  
Чиройга, бойликка учмагин сира,  
Бахтингни Оллоҳдан, худодан сўра.  
Чиройдан улугдир, вафо қиммати,  
Дил чиройи устун ҳусндан кўра.  
Суйганинг бўлса-ю, сенла вафодор,  
Вафоли бўлгину, бўлма бевафо.  
Мухаббат бойлиги тилла занжирмас,  
У фақат вақтинча ҳусн ва сафо.  
Ўзбек аёлисан, тилагим фақат,  
Истама ўзгандан ўзгача роҳат.  
Чин ёрни бир бора қулгани етар,  
Шудир сенга бахт, шудир муҳаббат.

Собир МАТКОМИЛОВ

Фаргона вилояти, Бешариқ тумани,  
Намуна ширкатлар уюшмаси

## СИЗНИ ЭНДИ КЕЧИРИШМАЙДИ

Хурматли Х !  
Сизга қандай маслаҳат беришга ҳам ҳайронман. Чунки сиз дунёдаги ёмон ишлардан бирини қилгансиз. Аёл киши тилла тақинчоқга ўч бўлади, лекин ҳамма нарсани меъёрида ишлаш керак. Худди сиздек тақинчоқларга ўч аёл ўз бахтининг қушандасидир. Ерингиз ҳам 43 да, шундай ёшга кириб ҳам ақлингиз кирмабди. Мана мен 50 га кирган бўлсам ҳам ҳеч қачон эримга хиёнат қилмаганман. Ўзимни мақташ эмас-ку, лекин шуни айтишни жоиз деб билдим. Фарзандингиз бахтини ўйласангиз бўларди. Ахир сиз қайнона бўла туриб... Сиз келинингизга ўрнат бўлишингиз керак-ку. Баъзи аёллар шундай йўлга кирмасдан ҳам пул ишлайдилар-ку. Сиз қиларини қилиб қўйибсиз, энди буни тўғрилаб бўлмайди. Виждонингиз қийналади. Бандаси кечирса ҳам Оллоҳ кечирмайди. Эрингиз ҳеч ҳам Сиздан сўраб суриштирмади-ми, қаердан бу кийимларни олдинг деб, шунчалар ҳам эрингиз бефарқми? Қойил-а, шундай эркакча. Ўғлингизга ҳеч ҳам айтманг, сиздан нафратланиб ўзини бир бало қилиб қўйишини ўйланг. У кишини шартга қўнишдан бошқа иложингиз йўқ. Сизни у ердан ҳеч ким чиқара олмайди. Сиз у кишини айблаб олмайман дебсиз, қандай қилиб айбамасдан бўлади, ахир оилали мард эркак бировни гулдай аёлини бу ишларга тортиқламади. Ахир у кишини ҳам болалари бордир. Сизни болангиз ҳам, у кишини боласи ҳам ҳеч қачон сизларни кечирмайди, бу қилмишларингиз учун ақинча нафратланади.

ДИЛБАР

Тошкент

НАБРИКАЛАР ВА ЭЪЛОЛАР



**Азиз МАХМУДХОН ака, УМИДАХОН!**

Сизларни таваллуд кунингиз ва турмуш курганингизнинг 10 йиллиги билан табриклаймиз. Оллоҳдан узоқ умр, соғлиқ тилаймиз.

**Опанг Ғовсияхон, сингилларинг Покизахон, Фотимахон, Зухраҳон.**



**Азиз дадажон!**

Сизни таваллуд топган кунингиз билан қутлаймиз! Доимо соғ бўлинг!

**Оила аъзоларингиз.**



**Азиз ДОНИЁРЖОН!**

15 ноябр - таваллуд кунинг муборак бўлсин! Сenga соғлиқ, узоқ умр, порлоқ келажак ёр бўлсин.

**Оиланг номидан Алишер.**

**"МАЛИКА" хусусий ўқув маркази куйидаги 3 ойлик курсларга таклиф этади:**

1. Бичиш-тикиш;
2. Торт тайёрлаш;
3. Уй ҳамшираси;
4. Сартарошлик.

**Манзилимиз:** Сирғали тумани, 8 "а" мавзе, 24-уй, 4-хонадон.

**Мўлжал:** 51-АТС рўпарасида.

**Тел:** 51-12-95

**"БЕГОЙИМ - СЕРВИС"**

Азиз аёлларни ўқишга таклиф қилади:

1. Массаж.
2. Уй ҳамшираси.
3. Торт, салатлар тайёрлаш.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Сартарошлик.
6. Инглиз тили.
7. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
8. Компьютер.

**Манзилимиз:** Ўрда бекати, Анхор бўйи кўчаси. 6-уй.

**Тел:** 41-16-63

**РУҲ ОҒОҲЛАНИТИРГАН ЭКАН...**

Бу фаройибот ҳақида менга ҳамқишлоғим Бурҳон ака сўзлаб берди. Унга эса Ўзбекистон туманидаги Қайқубод қишлоғи қабристонининг шайхи сўзлаб берган экан.

- Кунларнинг бирида, - деб ўз ҳикоясини бошлабди шайх. - Ҳамқишлоқларимиздан бири бандаликни бажо айлади. Уни ювиб, тараб қабрга қўйдик. Орадан бир неча вақт ўтди. Мен албатта уй-рўзғор, бола-чақа ташвиши билан банд бўлиб, марҳум ҳақида ҳатто ўйламаган эдим. Бир куни тонг пайти туш кўрдим. Ёп-ёруқ хонада ёлғиз ўзим ётган эмишман... Бирдангина девор ичидан яқинда қазо қилган ҳамқишлоғим чиқиб келибди ва менинг қаршимда тўхтади. Кўринишдан нимаданкир хафадек эмиш... "Ака, мен кенжа ўғлимни олиб кетгани келдим. Ёлғизликдан сиқилаяпман" дермиш у. Кейин у бурилиб яна деворга яқинлашибди-ю, унга сингиб кет-

тибди. Чўчиб уйғондим. Қарасам, бир ўзим қабристондаги мана шу хужрада ётган эканман. Туриб ювиндим. Намозимни ўқидим. Негадир дилим гашланди ва қандайдир куч мени қишлоқ сари бормоққа ундади.

Қишлоққа яқинлашганим сари кўнглим бир нохушликни сезаверди. Бирдангина қишлоқдан йиғи товуши эшитилди. Яқинроқ бордим. Не кўз билан кўрайки, айнан менинг тушимга кириб безовта қилган ҳамқишлоғимнинг хонадонидан эшитиларди бу дод-фарёд...

Секин кириб бордим. Сурштирсам, энг кичик ўғли тасодифан ўчоқдаги оловга йиқилиб, оғир жароҳат олибди ва қазо қилибди. Шу куни уни ҳам ювиб, тараб қабрга қўйдик. Отасининг руҳи бу ҳақда мени оғоҳлантирган экан.

**Эркинжон ХАЁНБОЙ ўғли**

**Бош ҳисоблаш маркази томонидан 1997 йилнинг 8 июлида берилган "Матбуот тарқатиш уюшмаси" акциядорлик жамиятини рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги 1894 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Германияда ишлаб чиқарилган GANMAN русумли пианино сотилади. Яхши сақланган. (Арзон нарҳда)**

**Тел:** 63-14-93

**"Кооператорлар уйи" мажмуа бошқармасининг тўрт бурчакли штампи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**КАЙДАСАН, АЗИЗАМ?**

Бу мураккаб дунёда доимо Яратганга тавakkал қилиб яшайман. Ҳаётда ишларим яхши, лекин оилада бироз омадлик келмади. Уй-жойим бор, олий маълумотлиман, топиш-тутишим ҳам жойида. Ўрагимда ўз бахт юлдузимни шу "Оила ва жамият" газетасининг муҳлислари - дилбар қиз-жувонлари орасидан топаман деган ишончим бор. Ёшим - 42 да, бўйим 173 см. Нозик таъблӣ йигитман. 30 ёшлар атрофидаги оқила, лобар, кўнглимни тушунгучи қиз ёки жувон билан танишишни истардим.

**Мақтубларингизни куйидаги манзилда кутаман: Тошкент, 700027, СА 0457751 рақамли паспорт эгасига.**

**ТАНИШСАК, ГАПЛАШСАК, ЗОРА...**

1961 йил туғилганман. Тиббиёт олийгоҳини тугатиб, анча йиллардан буён ўз касбимни бажариб келмоқдаман. Мен уч марта оила кўрдим. Аммо тақдир экан, ҳар сафар ҳам ажралишимизга тўғри келди. Ҳозирда онам 67 ёшда, 1-гурӯх ногирони. Лекин ўз ишларини ўзи қила олади, бировга қараб турмайди. Мен 8 йилдан буён оиласизман. Ўзимга лойиқ бир аёл бўлса турмуш курсам, дейман. Уйимиз яхши. Маҳалламиз яхши, кўни-кўшнларимиз яхши. Қайси шаҳардан бўлса ҳам турмуш қилишга розиман.

Иложини топиб бизниқига келинглр, меҳмон бўлинглр ёки хат ёзинглр, танишайлик, дўстлашайлик, кутаман.

**Андижон шаҳри АХМАДЖОН**

**ҲАЁТДА ҲАМДАРД ИЗЛАЙМАН...**

"Оила ва жамият" газетаси орқали ўз бахтини излаган одамлар бир-бирларини топиши нур устига нур... Шу газетанинг ёски муҳлисиман. Ҳаётдан кўп яхшилиқни кутаман.

Ёлғиз фарзандим билан уч хонали уйда яшайман. Ёшим 35 да. Рузғорим бут, ҳамма нарсам етарли, бироқ... Бахтим кемтик... Яхши ёмон кунларда ҳамдард бўлувчи инсонни излайман...

**Каттакўрғонлик Н.С.**

**РОЙИШЛИ КЕЛИН ҚИДИРАМАН**

- Таҳририятингизга бир ният билан келдим болам, - деди юзларидан нур ёғилиб турган 75 ёшли онахон. - Асли Марғилонликмиз. Ҳамма фарзандларим тинчиб кетишган. Аммо... Кенжатойимнинг бахти очилмаяпти. Ўғлим хунарданд, ёши 33 да. Сирғалида 1 хонали уйи бор. Отчонарда пойабзал тикиб сотади. Меҳнатқаш. Шу ўлимга мос ройишлигина бир келиним бўлса... Кўзим очилгиларга тўй қилиб берсам дейман. Менинг ўғлимни бахтли қилувчи қизлар бормикан?

**МАСЛАХАТХОНА**

**САРИШТАЛИ УЙ-ФАРИШТАЛИ УЙ**

Агар эътибор қилган бўлсангиз, оилада қиз бола қўлига буюм ушлашни билган дақиқалардан бошлабоқ модаларни, оналари, опалари унга ўргата бошлайдилар: "... ер юзини очсанг, чиройинг ҳам очилади, қизим. Кўрганнинг кўнгли яйраб, дили равшан тортади..."

Супуришдан олдин ҳам, кейин ҳам сув сеп. Сув-тозалик, орасталик, равшанлик, қўт-барак рамзи! Саҳарлаб супуриб-сидирилган хонадонга самодан фаришталар келиб кўнади. Фаришта кирган уйда шайтонга ўрин йўқ...

Ва, яна айтар сўзим-ҳеч қачон эшик ёки дарвоза ёнида ахлат қолдирма. Фаришталар уйингга киролмай қолишади. Машойихлар: "Сариштаси бор уйинг-фариштаси бор", - деб бекорга айтишмаган.

Модаларимиз сўнгра супиргини қандай тутиш у сувни нечун сепишдан ҳам ўғит беришади: "Супирганда супиргини ётиқроқ ушла. Унча баланд тутма, ердан тез-тез кўтарма, сувни ҳалқоб-ҳалқоб эмас, шакароб қилиб сеп... Гулу райхонларга ҳам сачрати ўт, токи уфори ҳовлингни тутиб турсин. Райхон ўсган уй савобли уй. У-жаннатий гул. Шундан сўнг имконингга қараб, исирик ҳам тутатиб қўйсанг, нур устига аъло нур!



**ЧАЁННИНГ НОМИ ЁМОН, ЎЗИ ЭСА...**

Юлдуз буржлари тўла осмон саватида Оққуш, катта айиқ, центавр, Етти оға-ини каби ажойиб номга эга буржлар ҳам мавжуд. Аммо, ўн икки юлдуз буржлари сирасига кириш уларга насиб этмаган. 23 октябрдан 22 ноябргача эса Ер куррасидаги Ҳаётнинг онаси бўлган Момо Офтоб Чаён юлдуз буржи бўйлаб сайр қилади. Шунинг учун ҳам мазкур ўттиз кунда туғилганлар Чаён буржи остида туғилган деб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирига хос ва умумий бўлган фазилатлар мавжуд бўлиб, кўшни Тарозу ва Ўқотар буржлари остида туғилганларнинг фазилатлари билан уйғунлашадиган ва фарқланадиган қирралари ҳам бор. Шундай қилиб:

**ЧАЁН - АЁЛ**

"Сирли", "Эҳтиросли", "Бўйсунмас" каби сифатларнинг чинаккам эгасидир. Унинг ишқий эҳтироси жиловсиз. Барча интилишлари ишқий лаззат сари йўналган. Мазкур бурж остида туғилган аёл гайратчан, оқила, чиройли! Эркаклар у билан танишса, ўзини беихтиёр ҳис қилади. Бошқа юлдуз буржлари остидаги аёлларга нисбатан ишқий тажрибани барвақт ортирадилар. Ишқда "Оташин аёл"ни хоҳлаганлар унинг тимсолида мақсадларига эришади. Шунга қарамасдан ўз телбалиги ва бежировлиги билан янада жозибаси касб этади. У билан яқинликда эркаклардаги чинаккам ошқиклик туйғулари кучаяди. Бундай аёл василдан бир мартаба бахраманд бўлган эркак олислаб кета олмайди ва шам атрофида айланувчи парвонага ўхшаб қолади. Натижанда ўз мавқеи, оилавий бахтини хатарга ташлаганча бу аёл оғушига интилаваради.

Мазкур бурж остида туғилган аёллар оилада эрининг энг яқин ёрдамчи-ҳамқорига айланади ва унинг ишдаги муваффақиятларини таъминлаб яшайди.

**ЧАЁН - ЭРКАК**

Кўпинча Чаён - эркаклар эҳтиросли, қутилмаган хатти-ҳаракатларга лаёқатли кишилардир. Улар қобилиятли актёрлардир. Ишқий яқинликда ажойиб ҳуфт бўлибгина қолмай, аёл жозибасига алданиб ҳам қолмайди. Ўз эркинликларини ҳамма нарсадан устун қўяди. Ишқий саргузаштлари унинг тахлилӣ онги ва эврилиш санъатига илова тарзидаги спорт машқига ўхшайди. Енгил ўлжани тан олмайдилар ва ўзлари каби эрксевар, онгли ва бўлинмас аёлни забт этишдан завқ оладилар. Уларга ғалабанинг ўзи эмас, унга элтувчи жараён муҳим! Забт этилганлар билан эса олижаноблик билан муносабатда бўладилар. Енгилганларга уларнинг оташин эҳтироси ва бой ишқий тажрибаси насиб этади. Кўпгина аёлларга унга енглишни ғалаба ўрнида кўрадилар.

Чаён - эркакларни оилавий ҳаётда мўмин-қобил эр сифатида тасаввур этиш қийин. Кўпчилик чаён-эркаклар қайта-қайта уйланадилар, айримлари узоқ пайт ёки бир умр бўйдоқ яшайдилар.

Чаён буржи остида туғилганлар Тоғ эчкиси, Балик, Чаён, Паризод юлдуз буржлари остида туғилганлар билан бахтли ҳаёт кеңиришлари қайд қилинган. Тарози буржда туғилганлар билан қурилган оила ҳам бир наъви. Қовға, Қўй, Арслон, Ўқотар буржлари остида туғилганлар билан қурилган оила-ларда эса бахт ва шодлик кўним топмайди (истисно бўлиши ҳам мумкин).

**Чекингизга тушган бурж номи - Чаён. Имкон ҳудудлари сизга бепоеён. Таъбингизга лойиқ ҳуфтни топсангиз, Умрингиз кечади бекулфат, шодон.**

**Тўрт кунлик дунёнинг сўқмоқларида, Севги илоҳаси ҳомийдир аён. Мунажжимлар тузган тольёнома бу - Биз бор-йўғи уни айладиқ баён.**

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ**

**Бекобод шаҳри**

Ушбу тақдирнинг қаҳрамони ҳозир ораимизда йўқ. У бундан бир неча ой бурун ўз жонига қасд қилган ҳолда ҳаёт билан видолашган. Унинг тириклик пайтидаги илтимосига биноан у содир этган номардликни дастидан бир неча инсоннинг умрига зомин бўлган воқеани сўзлаб бермоқчиман.

Хонамага кириб келган тўлишган, истараси иссиқ йигит мен билан саломлашди-да, ўзи ҳақида ёзишимни илтимос қилди.

- Ҳар бир мавзунинг ўз мақсади бўлади, сизни мақсадингиз не? - сўрадим йигитга яхшилаб разм соларканман.

- Мақсад? Мақсад кимки шу газетани ўқиса, мени қилган ваҳшийлигимдан нафратланишса, шу каби қалтис кўнгилхушликка берилмоқчи бўлганлар бўлса, шу йўлларида қайтишса.

- Қанақа ишингизни сўзлаб бермоқчисиз?

- Мени тақдирим қора, лаънатланган инсонман.

- Тақдир қора? Тушунмадим, қандай қилиб инсоннинг тақдир қора бўлади? Йигит оғир хўрсиниб қўйди, унинг қалби дарду-аламга тўлалигини шундоқ кўзлари айтиб турарди.

- Биласизми, мени бандаси эмас, Худо қарғаган инсонман. Тўғриси, ўзимни инсон қиёфасидаги махлук, йирткич деб ҳисоблайман.

Бу воқеа бундан ярим йилча олдин бўлган, ўшанда бошлигимиз учун коньяк олиш ниятида "Зарафшон" номи катта универсам магазинига кирганим. Магазинга киришим билан витринани олдида турган қадди-қомати келишган, чиройида тенги йўқ бир қиз турганини кўрдиму котиб қолдим.

У қиз шунчалар гўзал эди-ки, уни ҳозир сўз билан ифода қилаб, таърифлаб беролмасам керак. Бундан ташқари унинг уялиб қараб туриши ибод-хаёга чулганган юз-кўзлари мени

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

Турмуш сабоқлари - бу ҳақдаги ҳақиқатларнинг қисқартирилган образлари. Уларнинг ёрдамида кўпчилик инсонлар ўзининг турмушда қилган хатоликларини ўрганади ва ўзининг келажиги учун яхшироқ ҳаёт тартибига эришади.

- Синглим, сизни бир минутга мумкинми? - қиз шундоқ тўхтаб, чимирлиб менга қаради.

- Мени чақирдингизми? - деди у.

- Ҳа, сизни. Ҳозир магазинга кириб сизни ҳавасингиз кетган нарсани ололмай кетганингизни кўрдиму чидаб туролмай уни сизга олиб келаяпман.

- Менга? - дея кўзларини пирпиратиб ҳайрат билан қаради. - Раҳмат, ака, факат озгина адашиб-сиз, мен шунчаки нархнини кўрувдим холос.

Киз қўлимдагиларга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади, индамай йўлида давом этди.

- Тўхтанг, сизни деб олиб келдим, кўлимни қайтарманг, илтимос.

- Йўқ, раҳмат, ололмайман. Менга музқаймоқ билан шоколад олиб борадиган эрим бор, мен унинг руҳсатисиз бегона эркакдан қандай қилиб нарса оламан.

- Балки эрингизни топиши сизга етмаётгандир, ўша учун ҳам ҳавасингиз кетган нарсани ололмай...

- Майли, шундай ҳам бўла қолсин, ўша витринага қараб ейишни орзу қилиш ҳам ўзгача ҳиссиёт.

- Синглим, мен сизга чин кўнгилдан олиб келганман, мени худди туғишган акангиздек ҳисоблашингиз мумкин, ҳеч бўлмаса музқаймоқни бит-тасини олинг!

Киз ийманиб турди-да, сўнг қўлимда эрий бошлаган музқаймоқни бирини уялиб олди.

- Мана буни уйга бориб чой билан ичасиз, - дедим шоколадни ҳам тутқаза туриб.

- Йўқ-йўқ, бунингизни ололмайман, эрим кўрса айтмайдими, пулинг йўқ эди, қаердан олдинг деб.

- Хоҳлайсизми, мени ўзим бориб ўша сизни эрингиз бўлмиш бахтли йигитга тушунтириб бераман.

- Асло, у кейин, кўчада бегона эркаклар билан учрашиб юрибсан деб рашқ қилиши мумкин. Майли ака, энди мен борай, ҳозир у киши ҳам ишдан келиб қоладилар.

- Эрингиз қаерда ишлайди?

- Шахтада ишлайдилар.

- Ўзимизни завод қонидами?

- Ҳа, яқинда кирдилар.

- Демак, ётоқхонада турасизлар, шундайми?

Киз бошини қимирлатиб қўйди.

- Майли, борақолинг синглим, фақат илтимос, мен ҳақимда умуман ёмон фикрда бўлманг, акангиздек деб билинг. Мен шу эрингиз ишлайдиган заводда инженер бўлиб ишлайман, сизларга ёрдам бераман.

- Раҳмат, ака.

Киз қайрилиб кета бошлади. Шу тобда уни исмини сўрамаганим эсимга тушиб қолди.

- Ҳа, айтмоқчи, исмингизни айтмадингиз?

У орқасига ўғрилиб қаради-да исмини айтди.

- Юлдуз.

- Меники Собир.

Шундан кейин ўзим билмаган, сезмаган ҳолда оромимни, уйкумни йўқотдим. Биласизми, менимча ўшанда ҳақиқий севгига дучор бўлган бўлсам керак. Чунки, ишга бориб қоғоз титкиласам ҳам, уйга келиб оилам билан бўлсам ҳам, кўз олдимдан Юлдуз кетмасди. Умр йўлдошим Дилафрузни ҳам севиб, яхши кўриб уйланганман. Лекин Юлдузга бўлган муҳаббатим рафикамга бўлган севгимдан ўн чандон остун чиққан эди. На уйкумда, на ўнгимда ҳаловат бор, гоҳида уни кўргим келиб машинада ётоқхонагача бораман, лекин олдида нима деб, қандай баҳона билан киришимни биллолмай уйланиб қоламан. Ҳеч бўлмаса узокдан бўлсам ётоқхонадан чиқиб қолар деб уни бир кўриш илнжиди ётоқхонанинг эшигига термулиб кунларини ўтказдим. Ҳар гал борганимда деразаларга тикиламан, қани энди мени ақл-хушимни ўғирлаган у фаришта кўринса.

Шу тарика минг азоблар билан зўрга бир ойни ўтказдим, шу бир ой мобайнида озиб-тўзиб кетганимни онам ҳам, рафикам ҳам хавотирланиб айтишди. Айникса, умр йўлдошим Дилафрузхон қаттиқ ташвишга тушиб қолганди. Врач бўлганлиги учун ўзича ташхис ҳам қўйди. Мен уларга парво қилмасдим. Фик-

ру-ҳаёлим қандай бўлмасин Юлдузни қўлга қиритиш, уни ҳеч бўлмаса бир маротаба ўша уялиб, қимтиниб турган қоматини бағримга босиш, мени кўриб қизариб кетган юзларидан, олча ранг дудокларидан бир марта бўса олиш орзуси тинч қўймас, бунинг учун ўша дамда ҳар қандай ишга, ҳатто разилликкача боришга рози эдим. Унинг висолига эришиш йўлларини тинмай қидирардим, ўзимча ҳар хил режалар тузардим, лекин, бўлмасди. Ҳамма-ҳаммасига Юлдузни ўз ёрига бўлган садоқати, севгисига бўлган вафодорлиги тўсқинлик қиларди. Шундай бўлсада бу иш-муҳаббат ҳиссиётларини энгши, Юлдузнинг қалбига йўл топиш висолидан баҳраманд бўлиш яққою-ягона орзуниятим бўлиб қолганди.

Ишхонадан унинг исми орқали эрини исми-шарифини, заводни қайси шахтасида, қим бўлиб ишлашини ва улар қачон келишганини билдим. Миямга мудҳиш фикр, ўй-хаёллар келиб урилди, уни ўша шахтада ўлдиртириб юборсаммикан? Арзимас пул учун одам ўлдириш у ёқда турсин, онасини ҳам аямайдиғанлар топилади. Обдон ўйладим, тўғри келмади, мени у ерда маъсул лавозимда ишлашимни Юлдуз билади, хоҳласам-хоҳламасам у мендан гумонсирарди, сен эримни ўлдиргансан деб мендан тамоман юз ўгиради. Кейин, қандай яшайман. Йўқ, бу режа тўғри келмайди. Яхшии уларга ёрдам бериб, эрини яхшироқ ишга ўтказиб, маошини ошириб бериб, шу кўмаклар орқали кўзига яхши кўриниб олишим ва ишончга кириб кейин мақсад сари ҳаракат қилсам бўлади.

Шундай қилдим ҳам, ётоқхона учун тўланадиган уй-жой тўловидан озод қилдирдим, яна бир қанча имтиёзлар қилдириб бердим. Эрини ўн тўрт минг сўмлик ойликдаги ишдан 27 минг сўмлик ва шу билан бирга аввалги ишга нисбатан енгил ишга ўтказтирдим. Уларга яхшилик қилганимдан кўнглим кўтарилди, бироқ... Буни Юлдуз билармикан, ёки ўзим бориб айтсаммикан?! Йўқ, бориб айтсам мақтанчоқлик бўлиб қолади, буни аввало эрига қимдир орқали билдириб қўйиш керак, эри эса кейин Юлдузга айтиди. Кимга айтсам экан деб юрган кунларимда кўққисдан кабинетимга Юлдузхоннинг ўзи кириб келди. Биласизми, у аввалги Юлдуз эмас, ундан-да беш-олти марта гўзалроқ бўлиб очилиб кетган ҳақиқий сарвиноз хурлиқига айланганди. Тилим қалимага келмай қотиб қолдим.

- Ҳа, Собир ака, танимаясизми, бу мен Юлдузман.

- Биламан, Юлдузсиз, нега танимай, бу ерда нима қилиб юрганингизга ҳайронман, - дедим туттила-туттила.

- Сизга миннатдорчилик билдиргани келдим, ёки мени кутмаганмидингиз? - дея сўради ширин жилмайиб.

- Албатта, бироқ, нима учун миннатдорчилик билдирмоқчисиз, шунга ҳайрон бўлаяпман, - дея ўзимни билмасликка олдим.

- Бизга қилаётган яхшиликларингиз учун Собир ака. Бизга ота-онамиз қилмаган кўмакни бераёйсиз. Ўшанда, илк бор сизни кўрганда ёмон, гараз ниятли киши бўлиб кўринганингиз кўзимга. Энди билсам, сиз яхши одам экансиз, инсоннинг кўзи баъзида алдаркан. Сизга акангиздек бўлман деганингизда ҳайрон бўлгандим, акалик ёрдамини қўриб бунга энди ишондим.

Юлдузхонни менга ишонч билдирганини эшитиб, биласизми, ич-ичимдан қандай қувондим, сал қолди ўрнимдан туриб бориб уни кучоқлаб олишимга. Хайрият, дедим ўзимга ўзим, ниҳоят уни ишончига қира олдим, энди бу ишончдан унутмай ва самарали ҳамда эҳтиёткорона фойдаланиш зарур.

- Демак, энди мен сизни бемалол музқаймоқ кафе-сига олиб бориб, музқаймоққа тўйдиришга, синглимга деб кўнглимга ёққан нарсани олиб совға қилишимга имконият туғилибди-да?

- Ҳа, фақат биласизми, Собир ака, мен сиз ҳақингизда ҳали Қаҳрамон акамга айтолганим йўқ, у киши ҳар қанча бўлсам эркак кишилар, барибир мени сиздан рашқ қилиб асаблари бузилмасин дея ҳеч нима деганим йўқ. Менимча сизни ўзингиз бирор кун бориб танишиб келсангиз яхши бўларди.

- Турмуш қурганларингизга қанча бўлди?

- Ярим йилдан ошди.

- Юлдуз, сиздан бир нимани сўрасам мендан хафа бўлмай жавоб берасизми?

- Майли, сиз учун жавоб бераман.

- Зарафшонга нега келгансизлар?

Ота-оналарингиз сизларни турмуш қуршиларингизга қарши бўлишгани ёки ўзларингиз яшагани келдингларми?

Юлдуз жавоб беришдан олдин чуқур ўйланиб қолди. Балки айтсамми, айтмасамми деб ўйлаётгандир.

- Биз яшагани келганмиз. Асли Каттақўрғон шахридан бўламиз, мени онам ёшлигимда оламдан ўтган, укам иккаламиз қолганмиз. Дадам бизни бувижонимикига ташлаб бошқа билан турмуш қўриб кетган. Биз бувижоникимда олти йил яшадик, бувим ҳам оғир касал бўлиб оламдан ўтидилар. Бизни яна дадам олиб кетди, ўғай онам бизни унчалик хушламайгина қутиб олганлиги, бизнинг таширфисимиз ёқмаганигини унинг қиёфаси айтиб турарди.

Орадан йиллар ўтди, мактабни битиргач, ўқишга қираман деганимда ўғай онам "ўқишга кетганлар отасиз бола орттириб келаяпти, ҳеч қайсига кетмайсан, ундан кўра сени эрга бериб қалин олсақ, ўша фойда" деб уришиб берди. Ўшанда биз Қаҳрамон акам билан севишиб юрардик. Мен бу гапни у кишига айтдим. Эртаси кун ҳе йўқ, бе йўқ Қаҳрамон акам бизникига кириб келиб аям билан куюқ кўришиб ўзларини таништирдилар-да, менга уйланимоқчи эканликларини, лекин ҳозир шароит оғирлиги туфайли тўйни кейинроқ қилишни, қанча қалин деса беришини айтиб тушунтирдилар. Бу сўзларни эшитиб лол бўлиб қолдим, ўзалари учун ўзалари совчи бўлиб келган Қаҳрамон акамни аямга айтаётган гаплари менга мойдек ёқаётган бўлса-да, барибир қандайдир гашлик қалбимни чирмаб олганди.

- Йўқ, укажон, - деди аям қўлини силтаб норози оҳангда. Мен ўйланганимни қаҳрамон акамни олдида солиб қувадилар деб, ундай бўлмади.

- Қизимизни биз ҳозир жойига чиқса, ҳозир бериб юборамиз. Қурбингиз етса ана, 15 минг сўм қалин беринг-да олиб кетаверинг, ўзингиз айтганингиздек ҳозир шароит оғир, тўй қилишни ҳожаги йўқ.

- Ҳа, нималар деяйсиз, нима мен тўйсиз кетиб кўчада қолганманми? - дедим аямни бу сўзларини эшитарканман айвондан югуриб чиқиб.

- Тўй бўлиб, гўр бўлармидинг, кетаверсан-да.

(Давоми бор)



НОМАРДЛИК

ЁКИ ХУДО УРТАН ЙИГИТНИНГ КАСОФАТИ



Хар тонг зулф осамиз кунларга,  
Хайдаймиз хаёлдан, хотирдан.  
Лек бизга бир-бирни ташийди,  
Тасаввур кушлари потирлаб.

Чўкиб ҳам кетмайсиз, юзиб ҳам,  
Яшариб яшайсиз уйимга.  
Пешонамга сифармидингиз,  
Сигмасангиз тасаввуримга...

**АЙЛА КАДРИЕВА...**

Ораста кунларни қиймат қил,  
Дунёга ҳаёдан химмат қил,  
Аёлни ҳаммадан қиммат қил,  
Оллоҳим, аёлга қадр бер!  
Ташвишлар чувалсин уйда,  
Садоқат яшасин уйда,  
Мушк эмас, бешкининг бўйидан  
Оллоҳим, аёлга атр бер!  
Тўмарис кўзида - шаҳд бергин,  
Оила, уй, рўзгор нақд бергин,  
Эркакинг кўксидан тахт бергин,  
Оллоҳим, аёлга давр бер!  
Суманбар боғлардан сабоқ бер,  
Шайтоний йўллардан огоҳ бер,  
Энг тоза кунлардан сабоқ бер,  
Оллоҳим, аёлга сабр бер!



**Муҳаббат ТҲУХТАШЕВА** - 1973 йил Самарқандда туғилган. 1998 йил Алишер Навоий номидаги СамДУнинг филология факультетини тугатган. "Кўёш йўли" шеърий китоби чоп қилинган. Айти пайтда Ўзбекистон радиосида "Ёшлар" канали муҳарририятида ишлайди.

Кўларим етгайдир ҳикматга,  
Узатсам, сўрасам бергай Ҳақ.  
Мен ҳали бир қадам бормасдан,  
Қошимга чорласам келгай Ҳақ.  
Мен Ҳаққа энг яқин холисан -  
Онажон, бир Сиздан олисан.

Кўзимни тўлдирган дунёда,  
Кўнглимни тўлдирар маъво йўқ.  
Сўз деган оламда яшашга,  
Туйгулар шиддати - даъво йўқ.  
Мен сўзга оч, сўзга харисман -  
Онажоним, бир Сиздан олисан.

Таманно боғида етилиб,  
Ҳисларим олмадай тўкилгай.  
Мен юрган йўлларнинг исмини  
Боламнинг излари ўқигаёй:  
"Ўзингга оғишма... оғишма..."  
Онажон, бир Сиздан олисан.

Туйгулар тикани ботади,  
Кўнглим - нам кўйлагин ечганда.  
Ҳар кимса аслига қайтади,  
Ўзини лойлабти кечганда.  
Бугун ўз-ўзимга ворисман -  
Онажон, бир Сиздан олисан.

Йўл сари чоғлаган ўзингиз,  
Сабоққа келиндай узатиб.  
Тоқатга жуфт бўлган қизингиз,  
Ҳали Бахт ҳосилин узати...  
Бу йўлдан қолишмам... қолишмам...  
Онажон, бир Сиздан олисан!

Хали сиз йиғлайсиз бир кунни,  
Ҳамд-сано айтасиз ёдимга.  
Кўшилиб кетгайсиз сўнг икков  
Хор қилган муҳаббат додига.

Илкимни излайсиз тутмоққа,  
Ўпмоққа сўрайсиз кўлимни.  
Қаранг, ҳали-ҳамон турибсиз,  
Видонинг сирпанчиқ йўлида.

Бу кўзлар гинадир, саволдир,  
Сўзлар ҳам чертилмас бўғизда.  
Тош бўлиб қотгандир исмишимиз,  
Кўп йиллар айтилмай оғизда.

Мен ҳали шафақдай тарангум,  
Кўнглимда хаёл ранг уқалар.  
Овутиб, кунимга яраган,  
Ҳикматлар изимга нур қалар.

Ҳа, шунда барибир йиғлайсиз,  
Ўпмоққа сўрайсиз кўлимни.  
Хизматчим бўлади ишқингиз,  
Ёдингиз супуриб йўлимдан...

Ҳали Сиз келасиз қошимга,  
Йўлимда хазондай йиғлайсиз...

Қизгона, қизгона айрилдик,  
Меҳр, ишқ, ҳаттоки бир учқун.  
Кўнглимда кўёшдай товланар,  
Тасаввур аталган кўчки.

Оқшомни севаман, севаман,  
Осойиш топгайман мудроқдан.  
Арғамчи соламан кўзимга,  
Ёлғизлик - бир томчи титроқдан.  
Тонг тилаб уйғонар болишман -  
Онажон, бир Сиздан олисан.

Бир бор экан, бир йўқ экан,  
Ўғлим, ер юзининг бир-биридан  
йироқ уч бурчида бўйи ҳам,  
ёши ҳам тенг уч йигит бўлган  
экан. Ер юзининг бир-биридан  
йироқ уч бурчидаги уч йигит  
на бир-бирларини кўришган  
экан, ўғлим, на бир-бирларининг  
исмларини билишаркан.

Ер юзининг бир-биридан йироқ  
уч бурчида яшаган бу уч йигит  
"Мангу омад" тошини қўлга  
киритиш учун бир йилда, бир  
кунда, бир соатда ўз юртиларидан  
йўлга отланшибди.

"Мангу омад" тоши баланд  
тоғларнинг ортида, қонли  
қудуқнинг ичида экан. Баланд  
тоғларнинг ортидаги қонли  
қудуққа яширилган "Мангу омад"  
тошини қўлга киритиш учун  
бир-биридан йироқ уч ўлкада  
яшаган бу уч йигит бир-бирларидан  
беҳабар ҳолда йўлга чиқишпти,  
ўғлим.

Биринчи йигит юраверипти,  
юраверипти. Оёғидаги темир  
ковуши ейилиб кетипти, кўлидаги  
темир ҳассаси тол хивич каби  
ингичкалашиб қолипти. Йўлнинг  
ярмида ўтириб, бир оз дам  
олмоқчи бўлипти. Кўзлари юмилиб  
кетипти биринчи йигитнинг. У  
кўзларини очса, ўғлим, тепасида  
кўллари хиноли, кўзлари сурмали,  
гўзаллар гўзали бир қиз турган  
эмиш.

- Йўл бўлсин, йигит?- деб  
сўрапти-қиз.  
- "Мангу омад" тошини қидириб  
кетаяпман, - деб жавоб берипти  
йигит.  
- "Мангу омад" тоши баланд

тоғлар ортидаги қонли қудуқ тубида.  
Унга инсон зотининг қадами етган  
эмас. Кунлари ҳисобли кишилар,  
ҳисобли кунларини тотли ўтказишлари  
керак. Сен-асалари-

**Нозим ҲИКМАТ, турк ёзувчиси**

**ЎҒЛИМГА ЭРТАК**

сан, мен-гулман. Бунда мен билан  
қол, - депти қиз.  
Биринчи йигит бошини эгипти,  
ўғлим. Ярим йўлда қолиб кетипти.



Биринчи йигит ярим йўлда  
қолиптию, иккинчи йигит ўз йўлда  
давом этаверипти, йўл юрса ҳам  
мўл юрипти. Чарчаб, уйқуси келмаслиги  
учун танида пичоқ билан

**БОЛАЛАРИНГИЗГА  
ЎҚИБ БЕРИНГ**

жароҳатлар очиб, унга туз сепар  
экан. Оғриқ шунчалик кучли  
бўлар эканки, ўғлим, иккинчи  
йигит ўз ҳорғинлигини асло сўзмас  
экан. Фақат чанқаганидан тили  
танглайига ёпишипти. Иккинчи  
йигит шунчалик чанқаптики, ўғлим,  
қаршисида жимир-жимир оқиб  
турган жилга чиққанида ўзини  
тутолмай, ўша томонга отилипти.  
Сув қуёш нурда олтиндек  
товланармиш. Иккинчи йигит  
олтин сувдан бир култум ичиштию,  
танида шундай бир ором  
ҳис қилиптики, ўғлим, бир  
дақиқа бўлсин суви ёнидан жил  
лолмай қолипти. Йўлнинг учдан  
иккисидида қолиб кетипти.

Биринчи йигит ярим йўлда,  
иккинчиси йўлнинг учдан иккисидида  
қолиб кетиштиптию, учинчи йигит ўз  
йўлида давом этаверипти. Чанқаса ҳам  
йўлда учраган сувлардан ичмапти.  
Чарчасида, кўллари хиноли,  
кўзлари сурмали гўзаллар гўзалининг  
ёнида дам олишни уйламепти... Юраверипти,  
юраверипти.

Мақсад сари тинимсиз интилган  
одам унга албатта етади, ўғлим.  
Сен ҳам у каби чарқоқдан, сен ҳам  
у каби ташналиқдан кўрмай, у  
сингари ишонч билан олга интил,  
ўғлим. Ишончи собит киши албатта  
манзилига етади.

**Н. МУҲАММАДИЕВ таржимаси**

**ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

**СИЗ МЕНИНГ  
БАХТИМСИЗ!**

"Инсоннинг бошига ташвиш келса,  
кетма-кет келади", - деган гапда жон бор  
экан. Уттан ёзда отам қазо қилдилар.  
Яқинда эса онам оғир бетоб бўлиб,  
шифохонага тушиб қолдилар. "Операция"  
деган нохуш муолажани ҳам бошларидан  
кечирдилар. Оилада ёлғиз фарзандман.  
Шўқрки, маҳалладошларимиз меҳр-оқибатли  
инсонлар экан, ҳолимиздан хабар  
олиб туришибди. Бундай кезларда  
улар яқин қариндошингиздан ҳам  
азизроқ кўринар экан. Раҳмат уларга.  
Аммо шусиз ҳам ўқсиган кўнглимизни  
бир қариндошимиз келиб, яна-да  
вайрон этиб кетди. У онамга: "Умида  
сизнинг зурриёдингиз эмас,  
кексайиб қолдингиз, шунга қараб  
иш қилинг", - деган гапни айтибди.  
Онам бетобликдан, не аҳволда  
ётган волидам бу гапдан қай  
аҳволга тушганини ёзолмайман.

"Мен ҳали тирикман-ку?" - дедилар  
онам. - Нега жигарим ҳалитдан  
менинг устимга тупроқ тортади?"

Бу гапларни газетга ёзаётганимнинг  
боиси онам - "Оила ва жамият"  
нинг ашаддий мухлиси. Газетанинг  
ҳар бир сонини интиқлик билан  
кутади ва ундаги битикларни бир  
сатр ҳам қолдирмай ўқиб чиқади.  
Сўнг Сизларни дуо қилади.

Мен эса онажонимни еру-кўкка  
ишонмайман. Ахир фарзанд оқ ювиб,  
оқ тараган, не азобда улғайтирган  
ўз онасини севамаслиги, ардоқла  
маслиги мумкинми? Онажон!  
Сиз менинг бахтимсиз, қувонч  
сизсиз, жону-жаҳонимсиз!  
Бахтимга соғомон бўлинг,  
тезроқ тузалиб кетинг.

**Умида АЗИМБОҚИЕВА**  
Тошкент шаҳри

**Оила ва жамият**

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 133-28-20  
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 21.15

**ҲОМИИ**  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176  
Буюртма Г-0558  
37639 нуҳсада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ,  
Баҳоси эркин нарҳда.  
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи — М. СОДИКОВ.